Insonga naf keltirish – oliy baxt

№ 63 (2632) - son

Ishonch

2009-yil

Yan Fev Mar Apr May Iyun Iyul Avg Sen Okt Noy Dek

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

May

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: mail@ishonch.uz ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Эртага Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари очилади



БАХШИДА

Уч йилда бир ғунча — умид гулбоғи,
Ватан болаларин чўққиси — тоғи.
Бошида дўпписи, белда белбоғи.
Ҳар бирин илкида Ватан байроғи,
«Умид ниҳоллари», Сенда ибрат бор!

Уч босқич беллашув, айтинг, қайда бор?
«Баркамол авлод» у сўнгра чўнг қатор —
«Универсиада» — баҳси бетакрор.
Лек ўзинг илк парвоз — парвоз бетакрор.
«Умид ниҳоллари», Сенда ҳикмат бор!

Уч ёшли гўдак ҳам тўп тепаман дер,
Албатта, бўламан шоҳсупада дер,
Жаҳоний баҳсларда Ватан байроғин
Юксакка кўтариб, тик тутаман дер.
«Умид ниҳоллари», Сенда мақсад бор!

«Умид ниҳоллари» — соғинчли баҳор,
Юртим спортида — нурафшон наҳор.
Нуроний чоллару мунис момолар,
Вужудида бугун навқирон мадор,
«Умид ниҳоллари», Сенда ғайрат бор!

Орзу остонаси, ижобати — Сен,
Болажон халқимнинг муҳаббати — Сен.
Баликай шаштида чемпион кўрган,
Юртпарвар Юртбошим сиёсати — Сен.
«Умид ниҳоллари», Сенда рағбат бор.
«Умид ниҳоллари», Сенда ҳикмат бор.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
Гулистон шаҳри

Ishonch 2009-yil 28-may
№ 63 (2632)

Ислом Каримовнинг Мадриддаги музокаралари

Мадрид. 27 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 май куни расмий ташриф билан Бразилия Федератив Республикасига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари Бразилияга бораётиб, Испания Қироллиги пойтахти Мадрид шаҳрига тўхтаб ўтди.

Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Испания Қироли Хуан Карлос билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларга оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистонда Испания билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор билан қаралади. 2006 йилда Испания Қироллиги билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳукумат қарори; 2009 йилнинг февраль ойида ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган чоратадбирлар дастури қабул қилинган.

Айни пайтда Испанияда ҳам Ўзбекистон билан муносабатлар юксак қадрланади. Президент Ислом Каримовнинг 2003 йил январь ойида Испанияга давлат ташрифи асносида Мадриднинг ўша пайтдаги мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано мамлакатимиз раҳбарига ушбу қадим шаҳарнинг рамзий «Олтин калити»ни тақдим этган эди. Бу Мадрид Тошкент учун ҳамиша очиқлигининг ёрқин белгисидир.

Ўзбекистон ва Испания тарихан бир-бирига яқин давлатлардир. Олти аср муқаддам Амир Темур саройида Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо меҳмон бўлган. Соҳибқирон Муҳаммад ал-Қозийни ўзининг Испания Қироллигидаги элчиси этиб тайинлаган. Бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида ўша даврлардаёқ маданий, маърифий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Испания — иқтисодий жиҳатдан ривожланган, халқаро сиёсат майдонида юксак нуфузга эга мамлакат. Ўзбекистон ушбу давлат орқали бутун Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор, Ўз навбатида, Испания Марказий Осиёнинг етакчи давлати бўлган Ўзбекистон билан муносабатларни изчил ривожлантириш тарафдори. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган, парламентлар ва омбудсманлар ўртасидаги алоқалар тобора фаоллашмоқда.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Испания ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Мамлакатимизда «Texkominvest» (савдо), «Maxam Central Asia» (кимё саноати), «Balkan Eksport Import Asia» (қурилиш материаллари ишлаб чиқариш), «Maxam Uzbekistan» (кимё саноати) каби қатор Ўзбекистон-Испания қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Испаниянинг «Preparado Alimenticios» (озиқ-овқат саноати), «Atlas Consorcio» (муқобил энергия технологиялари) сингари йирик компанияларнинг ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Испания Ўзбекистоннинг ишончли сармоявий ҳамкорларидан ҳисобланади.

Гуманитар соҳада ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. 2000 йилда «Клавихо-Амир Темур» Испания-Ўзбекистон дўстлик уюшмаси тузилган. Мазкур уюшма билан ҳамкорликда 2004 йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Амир Темур давлати билан Испания Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 600 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди, Барселонада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур «Бобурнома» асари испан тилида нашр қилинди.

Мамлакатларимиз олий ўқув юртлари ўртасида фаол алоқа ўрнатилган. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги институтлар Испаниядаги йирик илмий-тадқиқот муассасалари билан қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Ислом Каримов ва Хуан Карлос икки томонлама муносабатларнинг бугунги кўламига юксак баҳо бериб, айни пайтда иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар икки мамлакат имкониятлари даражасида эмаслигини таъкидладилар. Бу йўналишдаги алоқаларни фаоллаштиришга, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга келишиб олинди.

(ЎзА)

Қашқадарёдан дараклар

НЕФТ – ГАЗ МАНБАЛАРИ

Қашқадарё «GISSAFTGAZ» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси жамоаси Ҳисор минтақасида ўзлаштирилиши анча мураккаб бўлган нефт ва газ конденсат конларида 3 та янги қудуқни фойдаланишга топширди.

Қарши даштларида жойлашган Шимолий Нишон конида ишга туширилган 41-қудуқдан 3510-3581 метр чуқурликдан бир кеча-кундузда 270 минг кубометр табиий газ ва 9,2 минг тонна конденсат олинаяпти.

Фойдаланишга топширилган Бешкент ва Нишондаги яна иккита қудуқдан (3250 метр чуқурликда) бир кеча-кундузда 11 тоннадан 15 тоннагача газ қазиб чиқарилаяпти.

ЭШИК ВА РОМЛАР

Қаршидаги Эски Анҳор маҳалласида жойлашган «Ал РУТ БуилД» масъулияти чекланган жамиятида ёғоч чиқиндиларидан алюмин профилли эшик ва ромлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Хитойдан келтирилган технологик ускуналар ёрдамида ёғоч чиқитларини вакуум усулида пресслаш ва ламинация қилиш, бундан ҳосил бўлган материалдан МДФ эшиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — деди цех бошлиғи Д.Ҳамроев. — Айни пайтда маҳсулотларимизга аҳоли ва корхоналардан кўплаб буюртмалар тушаяпти.

ЭСАТДА ЯНГИ МАЖМУА

Яккабоғ туманининг Эсат қишлоғида барпо этилган янги мажмуа аҳолига сервис хизмати кўрсатадиган кўркам масканлар қаторидан ўрин олди.

«Шарофат она Қаҳрамон қизи» фермер хўжалиги томонидан «Дизайнер—БО-202» ташкилоти лойиҳаси асосида қурилган «Моҳларойим» гўзаллик салони ва дорихонадан ташкил топган.

Дорихонадан пластик карточка орқали ҳам дори-дармон харид қилиш мумкин.

Хорижий давлатларда бўлиб, тажриба ўрганган фермер хўжалик раҳбари Анзур Нормуродов «Қишлоқ қурилиш банки»дан кредит олиб, бизнес лойиҳани амалга оширди.

Ҳозирча ёшлар учун 12 та қўшимча иш ўрни яратган қишлоқ тадбиркори сервис хизмати кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ниятида.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига киравериш да жойлашган милиция блок-постига портловчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғусида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум киши ўзини-ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларидан иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Касаба уюшма ва ҳаёт

Тошлоқ пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошланғич касаба уюшма қўмитаси корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда чилангар, кам таъминланган Ёдгор Халиловнинг фарзандлари Жасурбек ва Жаҳонгирбекларнинг суннат тўйини ўтказди.

ТАДБИР МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Шу куни эрта тонгдан карнай-сурнай садолари янгради. Дошқозонда ош дамланди. Тўй болаларга банкда ҳисоб рақами очилиб, 50 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари, эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, кекса ишчи Ботирали Жўрабоев нафақага кузатилди. 25 нафар ишчига совға, 725 ишчига пул мукофоти берилди. 60 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари ҳам эъзозланди.

Тадбирга «Райҳон» ашула ва рақс дастасининг концерти файз бағишлади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Хабар

Коллежда кўргазма

Сирдарё педагогика коллежи Ахборот-ресурс марказида ташкил этилган кўргазма «2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланди. Тадбир «Қишлоқларимиз тарихи», «Қишлоқ ёшлари — келажак пойдевори», «Қишлоқда маданият ривожи», «Қишлоқлар тараққий этса, юртимиз обод, турмушимиз янада фаровон бўлади» мавзуида 4 бўлимдан ташкил топди.

Кўргазманинг махсус бўлимига давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти — тўкин ҳаёт манбаи», «Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик» сингари асарлари қўйилди.

Марказ раҳбари Норинисо Қосимованинг айтишича, кўргазма йил давомида янги материаллар билан бойитиб ва янгилаб борилади.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик дастури амалда

Иш ўрни сайли

Қизириқ туман ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашувчи марказ аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида иш ўринлари яратиш, кичик бизнес субъектларига ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган «Иш ўрни сайли»да 120 дан ортиқ ташкилот, корхона ва фермер хўжаликларидан 956 та бўш иш жойи тақдим этилди. 510 нафар кишидан 363 нафари иш билан таъминланди. Улар ўша жойнинг ўзида иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини имзолашди.

— Касаначилик йўналишида янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, якка тартибдаги чорвачилик, деҳқончилик хўжаликлари ташкил этиш ҳисобига кўплаб иш ўринлари яратилди, — дейди туман бандликка кўмаклашувчи маркази директори А.Аннақулов. — Касб-ҳунар коллежларини битирган 153 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

Ёш тадбиркор Наргиза Бозорова туман бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан 10 млн. сўм имтиёзли кредит олган эди. У «Наргиза Минимо» хусусий корхонасини ташкил этди. Тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, бугун 18 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади. Марказ тадбиркорни малакали мутахассис билан таъминлаш учун корхонанинг 10 нафар ишчисини қайта ўқитди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослашган мактабида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб «Қишлоқ саховати» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Мактабнинг тиббиёт йўналишига ихтисослаштирилган 6-синф ўқувчилари томонидан ташкил этилган тадбирда саховатли заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматларнинг ўзига хос хусусиятларига таъриф берилди. Ўқувчилар мева ва сабзавотлар ролида сахнага чиқиб, ҳар бирининг минг дардга даво эканлигини шеърий тарзда томошабинларга намойиш этдилар.

Қишлоқ саховати

Мактабда математика ва тиббиёт йўналишларига ихтисослаштирилган синфлар мавжуд. Ўқитувчиларнинг 50 фоиздан зиёди олий тоифали бўлиб, уларнинг жонбозлиги туфайли мактаб ўқувчилари фанлар бўйича олимпиадаларнинг туман ва шаҳар босқичларида фахрли ўринларни эгалламоқдалар. Болаларнинг тест синовлари натижаларига қараб ихтисослаштирилган йўналишлардаги синфлар сонини келгусида кенгайтириш режалаштирилган.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА



«Ўзбекистон Швейцарияси»даги оромгоҳ

Бўстонлиқ тумани «Чимён» қишлоғида жойлашган «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи беш йилдирки болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси томонидан диплом билан тақдирланиб келади.

— Бу йил болаларни 18 кундан тўрт мавсум дам олдиришни мўлжаллаяпмиз, — деди биз билан суҳбатда «Алгоритм» болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. — Апрел ойи бошидан 50 нафар ишчи-ходим дам олиш масканини ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари билан машғул.

Оромгоҳимизда пойтахтдаги корхоналар ходимлари фарзандлари, Чилонзор туманидаги 22- ва 23-Меҳрибонлик уйлари, «Пахтакор», «Бунёдкор» футбол мактаби тарбияланувчилари, бокс, самбо, волейбол, бадиий гимнастика, сузиш спорт турлари бўйича Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари дам олади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Швейцарияси» деб аталмиш ушбу хушҳаво манзилда Оролбўйидан 130 нафар ўғил-қизнинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

Дарвозадан киришингиз билан ям-яшил арчалар, каштан, ёнғоқзорлар, сосна, мевали дарахтлар баҳри-дилингизни очади. Табиий булоқ сувларини айтмайсизми!

Коммунал хизматлар бўйича янги шартномалар имзоланди. Бўяш, безаш ишлари тугамоқда. Хуллас, болажонларнинг мазмунли дам олишига барча шароитлар ҳозирланмоқда.

Яқин кунларда, аниқроғи, 13 июн куни оромгоҳга 2009 йилнинг биринчи мавсуми учун болалар қабул қилинади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Фарзандларимизни мазмунли дам олдириш ва соғломлаштириш касаба уюшма фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Оромгоҳлардаги турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари болаларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида, моҳир қўллар тўгаракларидаги машғулотлар меҳнатга, санъатга муҳаббат руҳида камол топишида, маърифий тадбирлар эса маънан етук, ватанга садоқатли бўлиб улғайишларида муҳим рол ўйнайди. Бу ўз навбатида тарбиячи зиммасига катта масъулият ҳам юклайди.

Мавсумга шаймиз

Тошкент шаҳар корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги соғломлаштириш оромгоҳларининг маънавият ва маърифат хоналари раҳбарлари иштирокида ўтказилган анъанавий ўқув-семинарда болаларни турли маънавий таҳдидлардан асраш, маданий-маърифий ишларни тўғри ташкил этиш, қизиқарли китоблар билан таъминлаш ва бошқа масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Бу йил 21 та стационар турдаги, 36 та умумтаълим мактаблари қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолият кўрсатади ва 42 мингдан зиёд бола соғломлаштирилади, — деди Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири А.Ефимов анжуманни очар экан.

Стационар оромгоҳларда меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари ҳамда кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари ва Қорақалпоғистондан келган болаларни имтиёзли ва бепул йўлланмалар асосида соғломлаштириш кўзда тутилган.


Шунингдек, тадбирда фалсафа фанлари номзоди Ў.Юсупов «Ёшларни маънавий таҳдидлардан асраб қолиш омиллари», Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази раҳбарининг маънавий ишлар бўйича ўринбосари Р.Маъдиева «Оромгоҳларда маънавий-маърифий ишларни олиб бориш» мавзуларида маъруза қилдилар.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири



Барча шодлик болаларга





Бўстонлиқ тумани Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Ёшлик» оромгоҳида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда бирлашма тасарруфидаги 13 та оромгоҳ бошлиқлари, ҳамкор ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Эътироф этиш жоиз, ҳукуматимиз томонидан болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини юқори савияда ўтказиш учун катта эътибор қаратилаяпти.

Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида болаларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этишдаги асосий вазифалар ҳақида тўхталди. 2008 йилда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Раъно Ҳайитбоева мавсумда оромгоҳларни тиббий ходим ва дори-дармонлар билан таъминлаш, дам олувчилар орасида касалланишнинг олдини олиш масалаларига тўхталди.

Шунингдек, вилоят санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи ўринбосари Фарҳод Сайфуддинов, Бўстонлиқ туман санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Татяна Дусабоева дам олиш масканларида озодалик, болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, шу мақсадда санитария-гигиена ишларини ташкил этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапирдилар.

Вилоят ички ишлар бошқармаси мутасаддилари оромгоҳларда хавфсизликни таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш чоралари ҳақида ахборот бериб, ушбу масалалар бўйича тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек кетаётганини эътироф этдилар.

Ўғил-қизлар уч ойлик таътил даврида дам олиш билан бирга ўқиш ва ўрганишдан тўхтамаслиги, бўш вақтини мазмунли ўтказиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун оромгоҳларда билимдон, тажрибали педагоглар ишлаши керак. Вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Сайёра Иноғомова шу ҳақда гапирди. Масъул шахсларнинг фавқулодда ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш, оромгоҳларни маблағ ҳамда сифатли ва юқори калорияли озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳисобот ишларининг юритилиши тўғрисидаги маърузалари ҳам йиғилганлар диққатини ўзига тортди. Шунингдек, семинарда «Ҳаёт» суғурта компанияси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, «Жайхун» халқ қўғирчоқ театри ходимлари оромгоҳ раҳбарларини ўз режалари билан таништириб, уларни ҳамкорликка чақирди.

Семинар қизғин савол-жавоблар руҳида ўтди. Анжуманда «Ёшлик» болалар дам олиш оромгоҳи тарбияланувчилари намойиш этган, болалик, ватанга муҳаббат, тинчлик, дўстлик улуғланган шеър, рақс, куй ва қўшиқлар йиғилганларга манзур бўлди.

Бундан ташқари, семинар иштирокчилари «Ўзметкомбинат» АИБ тасарруфидаги «Ёшлик» оромгоҳида янги мавсумга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишдилар.

А. АКМАЛОВ.
Муаллиф олган суратлар

Бу йил Бухоро вилоятида болаларни ёзги мавсумда дам олдириш ва соғломлаштириш учун 18 та шаҳар ташқарисида ва 65 та мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда 16450 нафар ўғил-қиз дам олдирилиши кўзда тутилган. Уларнинг 8100 нафари ижтимоий суғурта, касаба уюшма бюджетлари, хўжалик ташкилотлари, ота-оналар бадал маблағлари ҳисобидан дам олдирилиши диққатга сазовордир.

Режалар белгилаб олинди


Яқинда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигидаги дастурга кўра «Ёз—2009» мавсуми ташкилотлари, оромгоҳ бошлиқлари ва етакчилари галдаги режаларини белгилаб олишди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch 2009-yil 28-may
№ 63 (26321)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Руҳият сувратлари талқини



Ёзиш – кўнгилга йўл олиш, руҳ сувратини чизишдир. Бу йўлда адиб, албатта, санъат туйғусига соҳиб бўлмоғи шарт. Зотан, бундай асарлар тезда ўз ўқувчиларини топиб олади. Эркин Аъзам сўзни санъат даражасига олиб чиққан, унинг ҳар бир қатидан янгилик, бадиий юксаклик ахтарган ва ана шу юксакликни ижод ўзаги деб билган ёзувчидир. Адиб асарлари мазмунини ҳар кунги оддий воқеалар, жонли, аммо такрорланмас лавҳалар ташкил этади. Унинг асарларидаги мавзуларнинг ҳар бири ўзича бир янги кашфиёт. Қаҳрамонлари баъзан умр бўйи инсониятга ёт ғояларга бўйсуниб иш тутган, ҳаётининг мураккаблашувига сабаб бўлган, аммо юзаки қараганда ўз даврининг илғор одамлари, доимо олдинги сафларда юрган мураккаб қисматли кишилар бўлса, баъзан инсоний туйғуларни ҳурмат қиладиган, нафақат ўзининг, балки жамиятнинг, яқинларининг ҳаётини ҳам яхшилашга, кўнгил кечмишлари, изтироблар билан ҳисоблашиб яшашга интилган қаҳрамонлардир.



«Жаннат ўзи қайдадир?» тўпламига киритилган асарларда аксар ана шундай қаҳрамонлар образи жамланган. Тўпламда турфа характерли одамлар турли жанрлардаги асарлар орқали акс эттирилган. Тўпламдан киноасарлар, ҳикоялар, драма ва публицистик мақолалар ўрин олган. Асарлар турли жанрларда бўлгани каби, уларда хилмахил характерлар, воқеалар кучли драматизм орқали ифода этилган. Уларнинг барчаси ижодкор ҳозиржавоблиги, юртдошларимиз онгу шууридаги ўзгаришлар, янгиликка бўлган муносабатлар, кундалик турмушимизда кечаётган воқеалар такрорланмас лавҳаларда очиб берилиши билан ўзига хослик касб этади. Барча асарлардан мақсад — инсон, уни қамраб олган ижтимоий воқелик ва кўнгил кечинмаларини талқин этиш. Уларда адиб қаҳрамонлари руҳиятида кечаётган ҳиссиётлар таҳлили орқали жамият қоидалари, тузумнинг мураккаб ва чигал томонларига муносабат билдиради. Уларни бадиий-эстетик жиҳатдан баҳолайди. Ўз ниятини Домла, Раис бува, Олашовур («Ёзувчи»), Каттакон, Оқсоқол, Мусофир («Аралашқўрғон»), Болта Мардон, Ўрин Жага («Сув ёқалаб»), Жўрақул домла («Жаннат ўзи қайдадир?»), Забаржад («Забаржад») образлари орқали китобхонларга етказади.

«Ёзувчи» ҳикоясини ўқир экансиз, унда жамиятда рўй берган ва бераётган, аммо эътироз қилиш мумкин бўлмайдиган воқеалар ҳаққоний тасвирланади. Адиб ҳар бир қаҳрамон характерини чизаркан, уларга халқона руҳ билан ёндашади. Асарда ўз даврининг «ўртамиёна», аммо Марк Твен, Даниел Дефо, Жанни Родари каби буюкларни «озми-кўп» биладиган ёзувчиси — Домла образида соф виждонли кишилар характерини яратар экан, ана шундай одамлар меҳнати орқали жамиятдаги ноҳақлик — «бировнинг меҳнати эвазига яшаш», «пул, бойлик билан ҳамма нарсага эришиш мумкин» деган ақидага ишониб ўзини алдаб яшаган инсонлар тақдири ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамони Домла «донгдор отахону акахонларнинг кўпчилигига нисбатан асл адабиётга яқинроқ, ҳатто унинг содиқ фуқароси эди. Дарвоқе, фуқаросигина эмас, жафокаш мардикори ҳам эди...» дея таърифланади. Ижодкорнинг жамият томонидан сийланмаганлиги натижасида биргина бошпана учун раиснинг ижодий мардикорига айлангани очиқ тасвирланади. Адиб ҳикояда сўздан жуда моҳирлик билан фойдаланади. Раиснинг ошпази ҳақида гапирганда, «камгап, сезгир, ўрнини билади» дейиш билан чекланади. Мана шу иборалар орқали ошпазнинг характери ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади. Ёки ёзувчи — Домланинг боғи ҳақида гап кетганда «бачки шохлардан аямай воз кечди, ўзиям шу мавсумдаёқ ундан сўраб, бундан суриштириб бинойидек соҳибкор бўлди-қолди» каби коса тагида нимкоса жумлалар орқали йўқ жойдан раиснинг ёзувчига айланиб қолганлигига ишора қилса, унинг «мендай бир оми, тўпоридан ҳам шоир ясадинглар-а, қойил» каби иқрори орқали умр бўйи бировлар ҳисобига яшаган, ҳамма нарсани пул билан ҳисоблайдиган, аммо умрининг сўнгида бу нарсаларнинг ҳаммаси ўткинчи эканлигини англаб етган инсон қалбидаги бир-бирига қарама-қарши туйғулар кураши кўрсатиб берилган. Асарда ёзувчи маҳоратини ифодаловчи яна бир ўрин борки, бу ёзувчининг чинакам санъаткорлиги белгисидир.

«Амаки, сўроқ белгиси зўрми, ундовми?».

Мана шу биргина жумла ҳикояда адибнинг асарга юклаган бадиий ғоясини кўрсатувчи энг муҳим восита ҳисобланади. Бу билан у «ҳаётда эгрилик ғолиб келадими ёки тўғрилик?» деган саволни ўртага ташлайди ва бунга жавоб қидирмайди. Бу киноявий саволга жавоб топишни ўқувчи зиммасига юклайди. Асарни ўқиб чиққан ўқувчи эса бу саволга жавоб топиш учун мушоҳада қилади.


Тўпламдан ўрин олган «Аралашқўрғон» ҳикояси «Ёзувчи»нинг мантиқий давомига ўхшаб кетади. «Ёзувчи» ҳикоясида драматизм кучли бўлса, бу асарда воқеалар фожиавийлиги устуворлик қилади. Энди нафақат амалдорларнинг, балки замона зиёлиларининг лоқайдлигу бепарволиклари аянчли тарзда тасвирланади. Асарда образлар тизими кенгайиб, ҳикоянинг «Аралашқўрғон» деб номланишига асос бўлади. Асардаги Э.Сафар, доцент, фан номзоди, Каттакон образлари айрича фикрлайдиган, аммо умумий мақсадлар йўлида битта қўрғонда бирлашган одамлар. Адиб ҳикояни бундай номлаши ва асар қаҳрамонларини зиёлилар қатламига мансуб қилиб танлашига сабаб бугунги кунда жамиятимизда юз бераётган маънавий-ахлоқий масалалар моҳиятини очиб беришдир. Ҳикояда қаҳрамонлар характерини кўпроқ киноя орқали баён этади. Ҳикоя «Мусофирнинг ўртанча қизини Каттаконнинг кучуги қопгани» тўғрисидаги хабар билан бошланади. Ва бу хабарни даставвал эшитиб муҳокамага чоғланган «зиёлилар» бирин-кетин тасвирланади. Асар сюжети бир-бирини тўлдирувчи киноя ва қочиримлар орқали давом эттирилади. «Ота болам-чақам деб эрта-ю кеч тўрва кўтариб пой-пиёда бозорга қатнаганиқатнаган. Ўзи бор-йўғи манови санаторийга қоровул. Пулни қаёқдан топаркан-а?». Ёки бошқа бир ўриндаги «Каттаконнинг ити чанг солибди», «ҳар ҳолда қиз бола, нозикроқ жойи эмиш», «лозим-позим кийиб юрар», «қишлоқда узоқроқ бир қариндошининг ғалчароқ ўғлига енг учида узатиб юбордилар» каби аччиқ киноя орқали Эркин Аъзамнинг ўзига хос халқона, айни пайтда қиссадан ҳисса чиқариш усулидан моҳирона фойдаланганини англаш мумкин. Зийрак китобхон қочиримлар орқали адибнинг ғоявий мақсадини тез илғайди. Адиб бу йўл билан ижтимоий воқеликдаги фожиий руҳни тасвирлайди ва бу руҳни китобхон руҳияти билан уйғунлаштиради, уни фикрлашга ундайди.

Тўпламдан жой олган «Забаржад» киноқиссаси ёзувчи ижодидаги катта бир бурилиш десак, муболаға бўлмайди. Асарда ўзбек адабиётида акс эттириб келинаётган аёл образига янгича ёндашув кўзга ташланади. Адиб бу асарда ўзбек аёлини муштипар, хокисор, тортинчоқ этиб тасвирламайди. Аксинча, унинг исёнкор руҳияти, ундаги ички зиддиятлар, курашувчанлик, тақдирга тан бериб эмас, тақдир ўйинларига чап бериб, туйғуларига қулоқ солиб яшовчи эркин руҳ соҳиби образини яратади. Забаржад — оддий ўзбек қизи. Унда ҳам шу қизларга хос ибо, ҳаё, андиша йўқ эмас. Аммо унда бошқалардан фарқли равишда кўнгил эркинлиги бор. У бошқалардек итоаткорлик ёки ақл ҳукмига бўйсуниб эмас, балки туйғулар ва кўнгил истаклари билан яшашни афзал билади. Руҳиятидаги қарама-қаршиликларни ақл билан эмас, кўнгил истаги билан енгишга ҳаракат қилади. Адиб бу образ орқали ўзбек аёлининг ибо-ҳаёлар қатида яширинган ширин орзулари ва дардларини очиб беради.

Китобдаги кичик-кичик публицистик миниатюралар ҳам катта-катта асарларнинг дунёга келишига асос бўлган бўлса ажабмас. «Шошмасдан шошилинг», «Мени сайланг-мени сайланг», «Кўз-кўз қилманг, кўз тегар», «Ҳозирийлар», «Ўзингиз ҳам ўқиганмисиз?», «Уят бўлади» каби мақолаларда бугунги кун кишисининг ҳақиқий қиёфаси, кечмиши турли киноя ва қочиримлар, енгил кулгу, баъзан эса миллат қадри ва қадрияти ҳақидаги аччиқ ҳақиқатлар ижодкор руҳиятида кечаётган оғриқли нуқталарни ифодалайди. Адиб публицистикаси шуниси билан характерлики, уларда бутун халқнинг юрагидаги дард, жамиятни таназзулга олиб борувчи муаммолар, бу муаммоларни ҳал этишга элтувчи йўллар энди факт ва ҳужжатлар билан эмас, балки шу халқ маънавий оламидаги кечинмаларнинг бадиий умумлашмаси сифатида тасвирланади. Бу эса жаннат юртда яшаб бугунги синов кунларида «жаннат қайдадур?» дея юртни ташлаб, адиб айтмоқчи «хаёлий жаннат» қидириб юрганлар қалбида ҳам юртимиз эртасининг бугундан-да фаровонлигига ишонч туйғуларини уйғотади.

Гулноз САТТОРОВА,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими





ДАМ ШУ ДАМДИР...

учун оқловнинг ўзи йўқ. Чунки у САМОдан сургун қилинганда ақл, туйғу, фаросат... қанотида «ҳаётнинг мазмуни нима?» деган саволни-да ўзи билан бирга олиб келган. Шундай. Фақат одамгина йўллар қаршисида ўйланиши мумкин ва энг асосийси, ёлғиз ***инсонгина танлай олади.***

сал нарида яна бир ўғлон тошбўрон остида аччиқ табассум билан жон бераётган бўларкан — эртага ҳайкалга дўниш учун...

«Мен сендан – кечиккан одамдан
нафратланмайман,
жирканаман бир қадар,
ачинаман, афсусланаман... ибтидоки,
улгурганлар оз,
кечикканлар сонсиз,

Улоқиш энди бошланади. Энди ортга йўл йўқ. Сарсон-саргардон одам Беҳудалик яланглиги, Афсурдаҳоллик денгизи, Зерикиш тоғлари оша Йилдирим Вақт ортидан Ҳаловат уфқи томон йўл босади:

Мен Вақтга ачинмай қўяман гоҳо,
хафа бўлиб кетаман гоҳида ундан.
У эса қочгани-қочган, қочгани-қочган,
– Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Манзил — олис, шубҳа — улов, бироқ... ҳали Йўловчининг умиди тирик. Айнан мана шу тириклик уни қутқаради...

Барибир, бир куни етаман унга,
Ахир, унга буюрилган мен-ла учрашмоқ.
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,
О, билмадим бу қачон, билмадим,
қачон?
– Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

НИСБИЯТ КАМАЛАГИ

Савол: поезд Тошкентга етиб борадими ёки Тошкент поездга етиб келади? Шаклан, бориш — олдинга, келиш — ортга ҳаракат дегани. Моҳиятан эса уларнинг орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Лекин поезднинг ҳаракатланаётгани ва, айтайлик, Тошкентнинг ўз ўрнида тургани — факт. Керак бўлса, ана — исбот, далил...

Аммо...

Талабалик пайтлар купе ойнасидан параллел йўлда турган вагонга хаёлчан тикилиб ўтирарканман, ҳаракат жараёнида поездларнинг аслида қайси бири юраётганини ажратолмасдим. Сўнг... купе ойнасидан бир-бир ўтаётган манзаралар — уйлар, чироқлар, дарахтлар...га кўзим тушганда ҳам шу савол-фикр хаёлимдан тез-тез ўтиб турарди: аслида қайси бири ҳаракатланяпти?

Тунлари тўлин ойни ҳеч кузатганмисиз? Майли, унга термулиб энтикканингиз-у ҳар хил хаёлларга берилганингиз — бошқа масала. Айтаяпманку, бунинг ҳеч кулгили жойи йўқ. Лекин ўша ҳолатда ойнинг маълум вақт давомида бир ўриндан иккинчи жойга силжишига ҳеч эътибор берганмисиз? Ўшанда ой ҳаракатланадими ёки сиз? Агар ой ҳаракатланаётган бўлса, сиз бир ўринда жи-и-м туришингиз ёки сиз «юраёт»ган бўлсангиз, ой қоқилган михдай қотиб туриши керакмасмикан? Умуман, ой сизнинг атрофингизда айланяптими, ёхуд сиз ой теграсида рақс тушаяпсизми? Энг муҳими, ойнинг бир нуқтадан иккинчисига силжиши орасида маълум вақт ўтади. Нега айнан **ў т а д и**?!. Агар «юраётган» вақт бўлса, унда ой ва сизнинг ҳаракатланишингиз нимани англатади? Айтайлик, ойнинг А нуқтадан В нуқтага ўтиши мобайнидаги кечинмангиз ўша ораликда қоладими? Ёки у билан ойнинг В нуқтадан С нуқтага ўтиши давомидаги кечинмангиз орасида ҳеч қандай фарқ йўқми? Вақт — ҳаракат давомийлигидаги масофа ўлчовими ёки масофа ўлчовидаги ҳаракат давомийлиги? Масофа ҳаракат давомийлигини таъминлаётирми ёхуд ҳаракат давомийлиги масофани келтириб чиқаряптими?

Саволлар... Саволлар?.. Саволлар!..

Асосий Савол: одамнинг вақтга кучи етадими?!.

ФАҚАТ БИЗ ШОШИЛАМИЗ

Тириклик туфайли ВАҚТ тушунчаси ва унинг маъно-мазмуни мавжуд. Айтайлик, куртак — япроқ — хазон даврийлигида бирор-бир ўзгариш бўлмаганида эди, вақт хоссаси ҳам бўлмасди. Бироқ ўн саккиз минг олам ичра фақат... Одамзодгина шошилади: ё кеч қолади ёхуд илгарилаб кетади...

Илми билан қутилажак фаришталару илмсизлиги туфайли тутилмайдиган ҳайвонлар эса *БАРЧАСИГА ЎЗ ВАҚТИДА УЛГУР(ИШ)АДИ.* Улар учун танловнинг ўзи йўқ. Ҳеч нимани, барибир, ўзгартира олишмайди. Ҳатто ўзгартиришга уриниб ҳам ўтиришмайди. Вақт фаришталару ҳайвонлар учун ҳам мавжуд, аммо аҳамиятсиз. Чунки уларнинг ҳаёт тарзи «шундай бўлиши керак, бўл(а)ди» қоидасига мос келади. Вассалом. Лекин шу ўринда айрим ҳайвонлардаги онг белгилари, кучли интуиция борлигини ҳам бугунги илм-фан керагича исботлаб берди. Аммо бу хатти-ҳаракат *шартли рефлекс* асосидагина амалга ошади, холос. Ахир, ҳеч ким югуриб кетаётган отнинг йўлда ётган нимагадир нисбатан «босиб ўтсаммикан ё сакрасаммикан» деб ёхуд жунгли чангалзорида ёнғоқ чақиб ўтирган хушчақчақ шимпанзе «ёнғоқнинг қайси четига тош урсам қулайроқ» дея ўйланишига ишонмаса керак. Ҳар ҳолда ҳозирча илм-фаннинг хулосаси шундай: ҳайвонларда ақл унсурлари бор, лекин улар *вақтни ўзлари хоҳлагандай тақсимлай олишмайди.*

Малаклик ва ҳайвонлик аросатида саргардон одамзод — Борлиқ асоси. У туфайли барча нарсага мазмун инган. Яратиқлар гултожининг эса ягона хоссаси мавжуд: ***танлаш имконияти***. Қолган барча *замоний* (ҳаёт кечириш ёки кечирмаслик...) ва *самовий* (тақдир, қисмат, гуноҳ <=> савоб...) тушунчалар айнан мана шу хосса меҳварида жойлашган. Бир сўз билан айтганда, Одамзод

ИЛГАРИЛАГАН ВА КЕЧИККАН (ОДАМ)ЛАР ҲАҚИДА ЭРТАК

...БОР экан-да, ЙЎҚ экан.

Серқуёш ҳур ўлканинг энг қайноқ кунжагидаги даштларда мол боқиб юрадиган бир хаёлпараст бўзбола бўларди. Шунга нима бўпти дейсизми? Ҳақсиз: ҳеч нима бўлгани йўқ. Лекин гап бу ҳақида эмас. Гап шундаки, ўша бўзбола нуқул *вақтдан ютмоқчи бўларди*. Фақат тенгқурлари тушда ҳам кўрмаган соҳилларга интилар, улар ўқимаган асарларни ўқиб, улар ўйлаб-да кўрмаган фикрларни айтарди. Ёшига номувофиқ барвақт улғайган бўзболанинг гап-сўзини эшитган катталар бир ҳайрон қолишса, бир ҳавас қилишарди...

Аммо... бўзболанинг отаси бундан хурсанд бўлмай, ўғлини тез-тез шошилмасликка чақиравераркан, қайсар ўғил ҳам йўлидан қайтмасди. Охир-оқибат бўзбола жуда тез улғайди: ёш йигирмада, гап-сўзлар эса — қирқни уриб қўйган шоввозларникидек вазмин, ақлли, пурмаъно...

Орадан йиллар ўтди. Ва бир куни бўзбола ҳеч қачон қилмаган иши — ортига қайрилиб қаради-ю... даҳшатга тушди. Тенгқурлари тугул ўзидан тўрт-беш ёш катталардан ҳам анча илгарилаб кетган бўзбола умрининг ортиқча босим билан кечган кунларига, ҳаловатсиз соатларига, нафас бўғзига тиқилган дақиқаларига, сукунатсиз сонияларига... назар ташларкан, миясига қон тепди: Нега бунча қониқмайман? Қаёққа шошиляпман ўзи?!. Нима учун чилпинишларсиз жи-и-м-гина яшашим мумкин эмас?!!

Шунда у қачондир отаси қоралаган «Кундалик дафтар»да ўқиган мана бу гаплар оғриғини илк бор ЎЗида туйди:

СЎҚМОҚ сендан илгари ҳам бор эди, сендан кейин ҳам бўлади...

БЕҲИСОБ ЙЎЛОВЧИ сендан аввал ҳам бу йўлдан юрган, сендан сўнг ҳам юради...

Ҳеч ким бу МАНЗИЛга сендан олдин ҳам барвақт боролмаган, сендан кейин ҳам етолмайди...

ЙЎҚ экан-да, БОР экан...

Балки эшитгандирсиз: заминнинг қай нуқтасидадир тўда бўлиб югурадиган ғалати бир қавм бўлган экан: уюрдан илгарилаб кетган қавмдошини тошбўрон қилиб ўлдиришаркан-да, жасадга етиб кел(иш)гач... бирдан ҳўнграб йиғлаййиғлай тош остида ётган майитни тўда қаҳрамони сифатида улуғлаб, унинг шарафига ҳайкал ўрнатишаркан. Қавм қачонлардир ўзлари уриб ўлдирган фарзандининг қадрига етолмагани учун ўзини кечиролмай нола-ю афғон чопонига ўранган пайт... улардан тўрт қирғоқ бўйида балғаммушукка эргашганлар саноғига етиб бўлмас, сафроқушга эргашганлар, йўлбарсўт панжасига тушганлар, қонбалиқ вужудини тўнкаргач, чўкканлар ҳисобин олиш мушкул...»

(Абдували Қутбиддин)

* * *

Франц Кафка айтади: *«Уйдан ташқарига чиқишга зарурат йўқ. Ёзув столингдан жилма ва диққат билан қулоқ тут. Ҳатто қулоқ ҳам тутма, кут. Ҳатто кутма ҳам ҳаракатсиз ва ёлғиз бўл. Ва шунда дунё қаршингда ўзини бор ожизлиги билан фош қилади. Бошқача бўлиши мумкин эмас».*

Дарвоқе, ўша бўзбола Кафка китобларини ёстиғи остига қўйиб ётар, анови қавм эса шундай ёзувчи борлигини ҳатто билишмас эди.

Коэффициент миқдорининг сифатга таъсир қилмаётгани ачинарли дейсизми?

Ачинарли эмас, бунинг турган-битгани — рангсиз фожиа!

«КЕЧИРАСИЗ, СОАТИНГИЗ НЕЧЧИ БЎЛДИ?»

Сизга ҳеч қўлсоат совға қилишганми? У ниманинг рамзи эди? Соат таққанингизда ўзингизни ҳеч Вақт қаршисида ёлғиз сезасизми ё ҳамроҳлидай? Буни билмадиму, лекин Ҳусан Карвонли соат тақишни ёмон кўради:

Мен соат тақишни ёмон кўраман,
биламан, бу учун кечирмайди Вақт.
Шундандир орқада қолаётганим,
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Умр — умид ва қўрқув оралиғи. Секунд мили бир маромда айланади. Одамлар эса бетиним уёқдан-буёққа шошилишади. Шошилмаётган Кимса бу пўртана қаршисида довдираб қолади. Ва... илк нажот бўлаги — масхара хасига тирмашади:

Мен соат сўрашни яхши кўраман,
гарчи ҳеч қизиғи бўлмаса ҳамки,
худди бир нарсага шошаётгандай,
худди кечикаётгандай Бахтнинг
келиши:
– Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Улоқиш энди бошланади. Энди ортга йўл йўқ. Сарсон-саргардон одам Беҳудалик яланглиги, Афсурдаҳоллик денгизи, Зерикиш тоғлари оша Йилдирим Вақт ортидан Ҳаловат уфқи томон йўл босади:

Мен Вақтга ачинмай қўяман гоҳо,
хафа бўлиб кетаман гоҳида ундан.
У эса қочгани-қочган, қочгани-қочган,
– Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Манзил — олис, шубҳа — улов, бироқ... ҳали Йўловчининг умиди тирик. Айнан мана шу тириклик уни қутқаради...

Барибир, бир куни етаман унга,
Ахир, унга буюрилган мен-ла учрашмоқ.
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,
О, билмадим бу қачон, билмадим,
қачон?
– Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

ХОТИРА ИСКАНЖАСИДАГИ КИМСА

Вақт атрофимизни ўраган, одам эса Вақт теграсидадир. Ҳаракатимиз йўналиши Вақт сарҳадидан ўтади.

Бизни қувадиган ва етиб олгач қийнайдиган хотиралар!..

Агар мен ўтмишимга, айтайлик, ўн йил олдинга қайтсам — ўшандаги хотиралар ЎЗ Вақти билан мени қарши олади. Агар туш тулпорида келажагимга сафар қилсам, ўша келгусидаги ҳолат ЎЗ Вақти билан рўпарамга чиқади. Фотосуратдаги тасвир ўша замоннинг ўша вазиятидаги ўша ҳолатни муҳрлайди. Одам суратга тикиларкан, яна хотира исканжасига тушиб қолади. Ёдлар эса ҳамиша ЎЗ ВАҚТИ билан бирга бўлади.


Мен орт(им)га қарашни ёқтирмайман, балки шу туфайли ҳам суратга тушишни ёмон кўрсам керак.

ХОТИМАСИ ЙЎҚ МАВЗУ

Вақт одамга бўйсунмайди, аммо инсон Давр билан келишишга мажбур. Агар одамзод Вақтга исён қилса, ЎЗ моҳиятидан узоқлашади.

Вақт ва Одам муносабати мудом мувозанатни талаб қилади. Абадият бир одам умрига тенг бўлиши ҳам, бир халқ тарихидан узоқроқ давом этиши ҳам мумкин. Мангуликка эврилишни истаган одам аввало, лаҳзаларга дўнишни ўрганиши лозим. Шундай экан, ЛАҲЗАда яшашга улгурайлик...

Умид ҒОФУР ўғли



Сўраган эдингиз...



Саволларга Тошкент шаҳри Ҳамза тумани 13-сонли ТМЭК эксперт-невропотологи Зинаида КОЛЕСОВА жавоб беради:

САВОЛ: Охирги вақтларда кўп касал бўлиб, шифокорларга тез-тез мурожаат қиляпман, лекин аҳволим яхши бўлмаяпти. Менга ногиронлик белгиланиши учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясига мурожаат қилишим мумкинми?

С. ЖОВЛИЕВА, Чирчиқ шаҳри

— ТМЭК кўригига юбориш масаласи сиз даволанаётган тиббий муассаса томонидан ҳал этилади. Бунда сизнинг касаллигингиз тўғрисидаги тиббий ҳужжатларингиз, лаборатор-инструментал текширув натижалари, касаллик асоратлари, ўтказилган даволаш муолажалари натижаси ҳисобга олинади. Комиссия даволаш муассасаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва беморнинг бевосита кўрик орқали ҳаёт фаолиятини чегараланиш тури ва даражаси аниқланиб, ногиронлик гуруҳи белгиланишига асос бўлса, ногиронлик белгиланади.

САВОЛ: Оилавий сабабларга кўра, узоқ муддатга бошқа шаҳарга кетишимга тўғри келмоқда. III гуруҳ ногирониман. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси кўригидан ўтишимга ҳали бир неча ой бор.

Кўрикдан муддатидан олдин ўтишим мумкинми?

М.ПАРДАЕВ, Самарқанд вилояти

— Йўқ. Сиз ТМЭК кўригидан ногиронлик муддати тугагандан кейингина ўтишингиз мумкин. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сонли «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 3-иловали VI боб 30-бандига кўра, кўрикни белгиланган муддатидан олдин ўтказиш, саломатлик ва меҳнатга лаёқатлилик даражаси ўзгарган ёки ТМЭК қарори қалбаки ҳужжатлар асосида чиқарилган ҳолларда белгиланган тартибда амалга оширилади. Муддатсиз ногирон деб ҳисобланган шахслар ҳам кўрсатиб ўтилган муддатларда қайта кўрикдан ўтказилиши мумкин.


САВОЛ: Жароҳатланиш туфайли турмуш ўртоғим мустақил ҳаракатлана олмайди. Унга вақтинча фойдаланиш учун ногиронлик аравачаси олишим мумкинми?

Ф.ФАЙЗИЕВА, Юнусобод тумани

— Турар жойингиздаги оилавий поликлиника врачлик-консультатив комиссиясига мурожаат этсангиз ва турмуш ўртоғингизга ногиронлик гуруҳи белгиланишига асос бўлса, ТМЭКга йўлланма берилади. Комиссия эксперт-врачлари тақдим этилган тиббий ҳужжатлар ва беморни бевосита текшириб, ҳолати ногиронлик аравачаси олиш кўрсатмасига тўғри келса, ҳудудий ижтимоий таъминот бўлими томонидан бепул ногиронлик аравачаси олиши учун маълумотнома беради. Агар турмуш ўртоғингизнинг ҳолати маълум бир қисқа вақтга ногиронлик аравачасидан фойдаланишни тақозо этса, сиз яшаб турган ҳудуддаги ижтимоий таъминот бўлимидаги ижара пунктидан фойдаланишингиз мумкин. Бу пунктдан аравачадан ташқари, ҳасса, қўлтиқтаёқ ва бошқа техник воситаларини ҳам ижарага олиш имконияти бор.

САВОЛ: Кўз касалликлари бўйича 2-гуруҳ ногиронлари ишлаш ҳуқуқига эгами? Уларга қандай имтиёзлар берилган?

А. ХОЛБОЕВ, Самарқанд вилояти




— Албатта, кўз касалликлари бўйича иккинчи гуруҳ ногиронлари махсус шароитлар яратилган корхоналарда ишлаш ҳуқуқига эга. Бунда кўпинча кўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги ташкилотлар назарда тутилади. Бундан ташқари, иш берувчининг мурожаатига кўра, маҳаллий туман тиббий назорат комиссияси рухсати билан ногирон бошқа ташкилотларда ҳам ишлаши мумкин. Ишлаётган ногиронга ногиронлик нафақаси ва иш ҳақи тўлиқ ҳолида берилади.

САВОЛ: Учинчи гуруҳ ногирониман. Касбим — чилангар. Касаллигим туфайли меҳнат фаолиятим чекланиб, ўз касбимда ишлай олмаяпман. Бироқ бошқа енгилроқ ишни бажаришим мумкин. Ишга жойлашиш учун қаерга мурожаат этишим керак?

П.АҲМЕДОВ, Чуст тумани

— Яшаш жойингиздаги бандликка кўмаклашувчи марказга мурожаат этсангиз, у ерда меҳнат қобилиятингизга, соғлигингизга тўғри келувчи ишга жойлашишингизга ёрдам беришади. Зарур бўлса, янги касбни эгаллаш учун ўқишга йўлланма ҳам бериши мумкин. Марказга ТМЭКдан йўлланма олиб бориш имконига ҳам эгасиз.



Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароит яратиш, микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кредитлардан тўғри фойдаланиш ва ўз вақтида қайтариш лозим.

ФИРИБГАРЛИК фош этилди

Лекин айрим тадбиркорлар кредитлардан тўғри фойдаланмай, шартномада кўрсатилган муддатда қайтармай, талон-тарож қилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Жумладан, Эскиякабоғ қўрғонида фаолият юритган «Ротор таъминот» корхонаси раҳбари А.Шарипов 2003 йил 11 декабрда чорва молари ва омухта ем олиш учун 2006 йил 10 ноябрга қадар йиллик 16 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан «Турон» банкининг Шаҳрисабз филиалидан олган 10 000 000 сўмлик кредитни сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан туман ва бошқа вилоятлардаги турли фирмаларга ноқонуний равишда ўтказиб, нақдлаштириш орқали талон-тарож қилган.

Худди шунингдек, Самоқ қишлоғидаги «Самоқ чевари» МЧЖ раиси К.Жўраев «Турон» банкининг Шаҳрисабз филиалидан 2004 йил 21 май куни кичик консерва заводини сотиб олиш ва тўқимачиликни ривожлатириш мақсадида, 2007 йи 5 майга қадар йиллик 20 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 10 000 000 сўм кредит олган ва уни турли фирмаларга ноқонуний йўллар билан ўтказиб, сохта ҳужжатлар асосида шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Ҳар икки тадбиркордан банкка етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Ш.ХОЛИҚУЛОВ, СВОЖЖДЛҚК департаментининг Яккабоғ туман бўлим бошлиғи

Қилмишига яраша

Муборак туманидаги «Муборактранс» МЧЖ раиси бўлган Ўринбой Қаландаров туман молия бўлими бош ҳисобчиси Акром Эшқувватов «Муборактранс»нинг ортиқча тўлови сифатида молия бўлимига ўтиб кетган 2 100 000 сўм маблағни қайтариш эвазига ундан 70 000 сўм пора талаб қилгани ва унга нисбатан чора кўриб, пулини қайтаришга ёрдам беришни сўраб ариза билан мурожаат қилди.

Департаментнинг туман бўлими томонидан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилиб, туман молия бўлими бош ҳисобчиси вазифасини бажарувчи А.Эшқувватов айтган пулини пора тариқасида олган вақтида ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Маълумки, барча ҳудудларда банкларнинг валюта алмаштириш шохобчалари очилган. Шунга қарамай, айрим шахсларнинг ноқонуний йўллар билан валюта сотиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, департамент ходимлари фуқаро Хуршида Тўраеванинг аризаси юзасидан 2009 йил 28 апрел куни тезкор рейд ўтказди. Унда шу туманда яшовчи Яхшибой Яриев тадбирда харидор сифатида иштирок этаётган Х.Тўраевага ҳар бир АҚШ долларини 1830 сўмдан ҳисоблаб, 2600 АҚШ долларини 4 758 000 сўмга сотаётганда ушланди ҳамда хорижий валюта ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

А.НОРБОБОЕВ, департаментнинг Муборак тумани бўлими бошлиғи

НОҚОНУНИЙ фаолият оқибати

Шахсий манфаатини кўзлаб, ноқонуний йўллар орқали мўмай пул топиш илинжида юрган кимсалар бир кун келиб қилмишига яраша жавоб беришга мажбур бўлади. Масалан, «Zenith Electronics» ЁАЖ қўшма корхонаси мансабдор шахслари Навоий вилоятидаги «Трактор таъмирчи Кармана» хусусий корхонаси раҳбари С.Ҳайдаров билан жиноий тил бириктиради. Расмий ҳужжатларга олдиндан сохта маълумот ва ёзувлар киритиб пулларни нақдлаштириш мақсадида улар ўртасида 2008 йил 15 январда 29,5 млн. сўмлик «LG 21FB5RG» маркали телевизорлар олди-сотдиси бўйича сохта шартнома тузилади. Унга кўра «Трактор таъмирчи Кармана» хусусий корхонаси қўшма корхона ҳисоб-рақамига қурилиш моллари учун пул ўтказади. Бу ҳол департамент ходимлари томонидан ўтказилган таҳлилда ўрганилиб, ҳисоб-рақамдаги 25 млн. сўм пул эвазига ҳеч қандай техника ва қурилиш моллари олинмай, нақдлаштирилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан «Zenith Electronics» ЁАЖ қўшма корхонаси мансабдор шахслари ва «Трактор таъмирчи Кармана» хусусий корхонаси раҳбари С.Ҳайдаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мурод ХАЛИЛОВ, СВОЖЖДЛҚК департаменти ходими

Душанба

06.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 «Вести-Спорт».
08.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/с «Аргай». (Франция).
08.40 «Мастер спорта».
08.55 М/ф: «Аист», «Капитан Фуражкин и великан Васюта».
09.15 «Зарядка с чемпионом».
09.30 «Путь Дракона».
10.00 «Вести-Спорт».
10.10 «Вести-Спорт. Местное время».
10.15 Автоспорт. «Формула-1». Гран-При Монако.
14.15 «Вести-Спорт».
14.25 Теннис. Открытый чемпионат Франции. Прямая трансляция.
16.05 «Рыбалка с Радзишевским».
16.20 Баскетбол. НБА. 1/2 финала. «Орландо» - «Кливленд».
18.30 «Вести-Спорт».
18.45 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
22.00 «Вести-Спорт».
22.20 «Неделя спорта».
23.25 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
00.35 «Европейский покерный тур».
01.40 «Вести-Спорт».
01.50 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
02.45 Баскетбол. НБА. 1/2 финала. «Лос-Анджелес Лейкерс» - «Денвер».
04.40 Теннис. Открытый чемпионат Франции.

Сешанба

07.00 «Страна спортивная».
07.30 «Рыбалка с Радзишевским».
07.45 «Вести-Спорт».
08.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/с «Аргай». (Франция).
08.40 «Мастер спорта».
08.55 М/ф: «Лиса и волк», «Чи-куа-куа».
09.15 «Зарядка с чемпионом».
09.30 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
10.00 «Вести-Спорт».
10.10 «Неделя спорта».
11.10 Баскетбол. НБА. 1/2 финала. «Лос-Анджелес Лейкерс» - «Денвер».
13.20 «Скоростной участок».
13.50 «Вести-Спорт».
14.00 Футбол. Премьер-лига. «Крылья Советов» (Самара) - «Москва» (Москва).
16.00 «Футбол России».
17.00 «Неделя спорта».
18.05 «Вести-Спорт».
18.15 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
22.00 «Вести-Спорт».
22.20 «Футбол России».
23.25 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
00.40 Кикбоксинг. Бой за звание абсолютного чемпиона мира. Анатолий Носырев (Россия) против Дамира Товаровича (Хорватия). Трансляция из Ростова-на-Дону.
01.45 «Вести-Спорт».
01.55 Баскетбол. НБА. 1/2 финала. «Кливленд» - «Орландо».
04.10 Теннис. Открытый чемпионат Франции.

Чоршанба

06.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 «Вести-Спорт».
08.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/с «Аргай». (Франция).
08.40 «Мастер спорта».
08.55 М/ф: «Таежная сказка». «Как медведь в гости ходил».
09.15 «Зарядка с чемпионом».
09.30 «Скоростной участок».
10.00 «Вести-Спорт».
10.10 «Футбол России».
11.15 Футбол. Обзор матчей чемпионата Италии.
11.45 Баскетбол. НБА. 1/2 финала. «Кливленд» - «Орландо».
13.55 «Вести-Спорт».
14.05 «Путь Дракона».
14.35 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Трансляция из Москвы.
15.35 Академическая гребля. Кубок мира. Трансляция из Испании.
16.50 «Вести-Спорт».
17.05 Теннис. Открытый чемпионат Франции. Прямая трансляция.
22.00 «Вести-Спорт».
22.20 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
00.55 «Скоростной участок».
01.30 «Вести-Спорт».
01.40 Футбол. Чемпионат Италии. «Фиорентина» - «Милан».

TV-SPORT

03.35 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Трансляция из Москвы.
04.40 Теннис. Открытый чемпионат Франции.

Пайшанба

06.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 «Вести-Спорт».
08.00 «Зарядка с чемпионом».
08.15 М/с «Аргай». (Франция).
08.40 «Мастер спорта».
08.55 М/ф: «Веселый огород», «Зов предков».
09.15 «Зарядка с чемпионом».
09.30 «Летопись спорта».
10.00 «Вести-Спорт».
10.10 Стрельба из лука. Кубок мира.
10.40 «Самый сильный человек». Чемпионат России по силовому экстриму.
12.00 Дзюдо. Кубок Большого шлема. Трансляция из Москвы.
13.50 «Вести-Спорт».
14.00 «Точка отрыва».
14.30 Спортивная гимнастика. Кубок мира. Трансляция из Москвы.
15.35 Академическая гребля. Кубок мира. Трансляция из Испании.
16.50 «Вести-Спорт».
Ҳаубенинг идорасидаги стол устида пластик пакет, гугурт ва иккита сут шишаси ётарди. Улар бензин билан тўлдирилган, юқори қисмига қоплама очғич осилганди.

— Қўлбола портлаткич!

Мюллер иккала шишага, сўнг йигитга назар ташлади. Унинг ранги оқариб кетган, титраганча ўтирарди. «Қабристондаги йигит», — ўйлади Мюллер ва Ҳаубе бир вақтнинг ўзида.

— Исминг нима? — сўради Мюллер.

— Юрген Уде, — йиғламсираб жавоб берди йигит.

— Бир кишининг ҳалок бўлгани сенга камми? — қичқирганча мушти билан столга урди Мюллер.

У Ҳаубега кўзини қисиб қўйиб, дўқ уришда давом этди:

— Булар ўйинчоқ эмас, қотиллик ускуналари!

Йигит йиғлай бошлади:

— Мен деярли ҳеч нарса қилмоқчи эмас эдим. Лекин Торстен айтган... Торстен ва Клаусдан жуда қўрқаман... Мен хоин эмаслигимни исботламоқчи эдим...

Ҳаубе йигитга бир финжон чой қуйиб берди ва елкасига уриб қўйди:

— Сафдошларингни айт!

Қўрқувдан титраган йигит сўзлашни бошлади:

— Улар ойнаи жаҳон орқали бошпана ётоқхонасидаги босқинчилик ҳаракатлари ҳақида маълумот беришган... ва шунда Торстен биз шу ерда, Фридрихшаусенда ҳам буни амалга оширишимиз кераклигини айтди... Биз идорани мўлжал қилиб олдик ва қўлбола портловчи мосламани... Кейин буни Клаус Биедерштетт амалга ошириши керак эди... Сўнг якшанба куни кечаси ётоқхонага бордик. Шунда Клаус ўйиндан чиқмоқчилигини айтди. Унинг дўсти Аҳмад...

Йигит кўзида ёш билан Ҳаубенинг ёнида ўтирган ёш ироқликка қаради.

— Сўнг Клаус ва Торстен ўртасида муштлашув бошланди. Торстен жуда кўп ичганди. У Клауснинг бошига пиво шишаси билан урди... Клаус қорга йиқилди ва умуман қимирлагани йўқ... Сўнг ҳаммамиз қочиб кетдик...

— Ва шу билан уни ўлдирдиларинг, — қичқирди Мюллер. — У фақатгина ҳушсиз эди ва кейин ачинарли тарзда совуқдан ўлган.

— Полиция ҳам, газеталар ҳам... Аҳмад бўлса йўқолган эди. Торстен бизни қўрқитди, агар тилимизни тиймасак... У биз фақатгина Аҳмаддан шубҳа қилишимиз кераклигини айтди. Шундай қилсак, ҳаммада қотилга нисбатан нафрат пайдо бўларди...

— Сўнг Гернот Ҳаубега яширин хатни жўнатдинг? — йигитнинг гапини бўлди Мюллер.

Юрген Уде ҳайратланиб бошини кўтарди.

— Қаердан билдингиз? Ҳа, мен ўйиндан чиқмоқчи эдим. Лекин Торстен менинг ҳам бошимга Клауснинг куни тушишини айтиб қўрқитди... Дафн маросими пайти қабристонда босқинчилик ҳаракатини қилсам, кейин ўйиндан чиқишимга рухсат беришини айтди.

— Сени айбдор қилиш учун! Сен фақатгина тубсиз ботқоққа ботардинг!

Мюллер йигитга жиддий нигоҳ билан қаради. У стулга қайта суянди, чой ичганча ёш ироқликка мурожаат қилди.

— Мен яна тушунмаяпман, Аҳмад. Нима учун полиция идорасига бормадинг?

— Мен дўстим Клаус билан ёшлар марказида эдим. Соат ўнларга яқин йўлга тушиши керак эди. У менга яна бир учрашуви борлигини айтди. Бир соатдан сўнг мен уйга қайтдим. Шунда ўрмондаги босқинчиликнинг гувоҳи бўлиб қолдим. Жуда қўрқиб кетдим ва қочдим. Яшириндим ва бугун кечаси Гернотникига, у билан полиция идорасига бормоқчи эдим. Қолгани ўзингизга маълум... Бундан ташқари, ким ҳам ажнабийга ишонарди деб ўйладим.

— Масалан, мен! — кулимсиради Мюллер телефон гўшагини қўлига оларкан...

Немис тилидан Фурқат СОАТОВ таржимаси

Тақдир

РАҚАМИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?



Табиат синоатга тўла. Ундаги бутун мавжудот гўё тилсим билан яратилгандек. Битта дарахтдаги япроқлар бир-бирига айнан ўхшамаганидек, ҳар бир инсоннинг ўз тақдири бор. Ота-боболаримиз ҳам ҳар бир инсон ўз тақдир китоби билан дунёга келади, дейишади. Яна пешонангга ёзилганидан қочиб қутулолмайсан деган гапни ҳам кўп эшитамиз. Бу нима дегани? Европа олимларининг фикр-мулоҳазаларига қараганда, бу одамнинг туғилган куни, ойи, йилига боғлиқ экан.

Борди-ю фарзандингизнинг тақдири, характери сизни қизиқтирса, боланинг тақдир рақамини билишингиз зарур.

Фарзандингизнинг туғилган куни, ойи ва йилини ёзиб, уларни якка сонларга ажратиб қўшиш ва айириш амалларини бажарсангиз, унинг тақдир рақами келиб чиқади. Ана шу рақам орқали боланинг келажакда қандай инсон бўлиб улғайишини билиб оласиз. Бунинг учун қуйидаги амални бажаришингиз зарур. Айтайлик, фарзандингиз 1999 йилнинг 5 февралида, яъни йилнинг иккинчи ойида туғилган.

Демак:

1999-5-2

Зарур сонларни ёзиб бўлгач, уларни якка сонларга ажратиб, қўшамиз:

1+9+9+9+5+2=35.

Ҳисоб-китобни якка рақам қолгунча давом эттирамиз. Яъни натижани якка рақамларга ажратиб, қўшамиз:

3+5=8.

Демак, боланинг тақдир рақами 8 экан.

Дейлик, бошқа фарзандингиз 1995 йилнинг 29 декабрида туғилган.

Бунда:

1+9+9+5+2+9+1+2=38.

3+8=11.

1+1=2.

Демак, бу боланинг тақдир рақами 2 экан.

9 та тақдир рақамлари тилсими орқали қайси рақам остида қандай феъл-атвор яширинганини ва боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишини билиб олиш мумкин.

Биринчи рақамли бола туғилганиданоқ турли қилиқлар кўрсатиб, ота-онаси-ю яқинларини лол қолдира бошлайди. 4-5 ёшда шу даражада шўх ва ҳаракатчан бўладики, уни жиловлаб туришга кучингиз етмай қолади. Бундай пайтларда бола она қорнида қандай ётганини ўйлаб, хаёлга толасиз.

Биринчилар жуда тез ва соғлом ўсишади. Унинг қачон эмаклаб, юриб кетгани, қачон гапира бошлаганини билмай ҳам қоласиз.

Бу тоифадаги болалар нима учун бешикда ётганини фаҳмлагандаёқ, ундан тезроқ чиқиб кетишга уринади. У қўл-оёқларини боғлаб турган иплар ортида чексиз олам борлигини ҳис қилгач, бутун вужуди билан «қафас»дан озод бўлишга интилади. Иложини топмаса бор овози билан йиғлаб, ҳаммани безор қилиб ташлайди.

Биринчилар гўдаклигидаёқ атрофда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга ўта қизиқиш билан боқадилар. Кўзлари тушган нарсани ушлаб кўришга, айлантириб синчиклаб ўрганишга ҳаракат қиладилар. Унинг у ёки бу машғулоти муваффақиятли чиқса, уни қўллаб-қувватлаб туришни унутманг.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, биринчилар ота-она бағрига ҳадеб интилавермайди, мустақил бўлишни ёқтиради. Ота-онасини қанчалик яхши кўрмасин, меҳрини юрагида сақлайди, суйкалавермайди. Бундай боладан меҳрингизни дариғ тутманг. У ҳамиша яқинлари меҳр-мурувватини ҳис қилиб, ундан баҳраманд бўлиб улғайсагина етук инсон бўлиб улғаяди.

Ноўрин шўхликлари учун биринчиларни ҳеч қачон жазоламанг. Кўнгли тусаган юмушни қилишни истаганда унинг эркини чегаралашга ҳаракат қилсангиз, бошингиз ғавғодан чиқмайди. Бундай пайтда уни севимли ўйинчоқлари-ю ширинликлари билан ҳам овутолмайсиз. Асабингиз жойида бўлишини истасангиз, боланинг раъйига қаринг.

Ҳаётда ҳамиша биринчилар мустақил характерга эга эканлигини ёдда тутинг.

Агар фарзандингиз биринчиликка интилса, унга хайрихоҳ бўлинг ва, унутмангки, фарзандингиз ҳамиша сизнинг меҳрингизга ташна бўлади. Сабр-тоқат билан уни яхши кўриб, эркалаб, ардоқлашдан чарчамасангиз, бу хизматингизни улғайгач, минг баробар қилиб қайтаради.

Иккинчи рақам. Тақдир рақами икки бўлган бола жуда ёқимтой бўлиб, ҳар бир хатти-ҳаракати сизга бир олам қувонч, завқ-шавқ бағишлайди. Иккинчилар атрофдагиларга меҳрибон, уларнинг кўнглини кўтариш, ўкситмаслик қобилиятига эга. Уни ҳамиша назорат қилиб, мустақил хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб турмоқ зарур. Улар дилкаш, кўнгилчан, сўзамол ва меҳнатсевар бўлиб улғайишади. Уларни қувонтирмоқчи бўлсангиз, сиздан олдин кўнглингизни овлашга ҳаракат қилиб, ҳайратда қолдиради. Иккинчилар табиатан уятчан ва фаросатли бўлишади. Аввалига тортинчоқ бўлиб кўринсалар ҳам кейинчалик, айниқса, ўғил болалар сўзга чечан, кўнглингиздагини топиб гапирадиган бўлиб кетишади. Улар учун энг ёқимли машғулот тенгдошлари билан ўйнашдир. Яна уларнинг дўстлари жуда кўп бўлади.

Иккинчиларнинг деярли барчаси тарбияли, мўмин-қобил, итоаткор ва ёқимтой бўлишади. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб, ҳамиша гўзал туйғуларига ҳамфикр бўлсангиз, бундай болалар келажакда етук инсон бўлиши ҳақиқатга яқин. Уларга қаттиққўллик қилиб, дакки бериб, жазолаб ўстирсангиз аттанг, деб қолишингиз ҳеч гап эмас. Иккинчилар тарбиясида ўта қаттиққўллик табиий ўсишига салбий таъсир кўрсатишини ҳамиша ёдингизда тутинг ва унга меҳрибон бўлинг.

Яна шуни билингки, улар сизнинг меҳрингизни ҳеч қачон унутишмайди. Болани тарбиялашда унинг меҳрини қозона олишингиз, эркин фикрлаб, мустақил ҳаракат қилишига ўргатиб борсангиз кутганингиздан ҳам яхши натижага эришасиз. Фақат уларга самимий ва дўстона муносабатда бўлиб, меҳрингизни аямаслигингиз керак.

Учинчи рақам. Энг антиқа болалар — учинчилардир. Улар билағонлиги, тиришқоқлиги ва заковати билан ҳамиша тенгдошларидан ажралиб туради. Атрофдагиларнинг диққатини ўзига қаратишда устаси фаранг. Гапирганда гапини диққат билан эшитишларини, ҳамиша ёнида кимдир бўлишини исташади. Ўғил болалар феъл-атвори онасига, қизлар эса кўпроқ отага тортади.

Учинчилар жуда севимли бўлгани боис ҳамманинг кайфиятини кўтариб, меҳрини қозонишади. Улар жуда кам ҳолларда ота-онасига ташвиш келтиришади. Давраларда учинчилар қуёшдек чарақлаб турадилар. Нафосат ва гўзалликда уларга тенг келадигани йўқ. Айниқса, бирор воқеани айтиб бераётганда жуда жозибали бўлиб кетишади. Ўзларига диққатни қаратиш учун воқеаларни ошириб-тошириб, ҳаяжон билан сўзлайдилар. Боғчада тарбиячи, мактабда ўқитувчи улардан ҳамиша кўнгли тўқ бўлади. Учинчиларни ота-онаси сабр-бардошга, кенгфеъллликка, камтарликка ўргатиши керак. Акс ҳолда, улар ўзларини ҳаммадан устун қўядиган бўлиб қолишади.

Ўз қадрини билишда учинчиларга етадигани йўқ. Танбеҳ бераётганда унинг нафсониятига тега кўрманг. Шунинг учун бундай болани тарбиялаётганда вақтингизни чекламасангиз, сабрли бўлсангиз, бир лаҳза бўлса ҳам уларни эътибордан четда қолдирмасангиз, ҳамиша эъзозда яшайсиз.

Тўртинчи рақам. Тўртинчилар — оғир-босиқ, вазмин, ўз навбатида, жуда ювош бўлади. Улардан кўп ташвиш тортманг. Кўзлаган мақсадларига аста-секин эришади. Айниқса, бирор нарсага ишонишса, бу ишонч абадул-абад уларга ҳамроҳ бўлади. Бундай бола жуда тартибли, унинг жиғига тегмай десангиз, ўйинчоғи-ю кийимларига қўл тегизманг. Ота-она учун битта йўл бор. Бу — фарзандининг кўнглига йўл топиш. Шунда ҳаммаси яхши бўлади. Бола ўзи билан ўзи овуниб юрганда ҳам унга зинҳор эътиборсиз бўлманг. Негаки, сизга ҳадеб суйкалавермаса ҳам, кўча-кўйда хархаша қилиб, ширинлик ёки ўйинчоқ олиб беринг деб жонингизга тегмаса ҳам, ҳамиша меҳрингизни юракдан сезсин ва ундан баҳраманд бўлсин. Керак пайтда ёрдам беринг, ҳаракатларини қувватлаб, мақтаб туринг. Тез-тез бағрингизга босиб, эркалаб-суйинг. Чунки улар қалби билан ҳамиша шуни хоҳлашади. Акс ҳолда, одамови, тортинчоқ, ўз фикрига эга бўлмай қолиши мумкин.

Одатда, тўртинчилар шон-шуҳрат ва фаровон ҳаёт учун узоқ ва машаққатли йўл босадилар. Ҳаётда ҳам фақат поклик, ҳалол меҳнат билан бирор ютуққа эришишади. Шунинг учун уларни болаликдан қийинчиликларни енгиб ўтишга, ишонч билан яшаб, меҳнат қилишга ўргатиш керак.

Тўртинчилар ҳаётда қандай юқори мавқега кўтарилмасин, улар учун ота-она энг азиз инсон бўлиб қолаверади.

Бешинчи рақам остидаги болакайлар спорт билан шуғулланишга унчалик эҳтиёж сезмайдилар. Ота-она ўзининг ота-оналигини ҳис қилиб улгурмай болакай гапиришни, юришни ўрганиб олади. Қўлига илинган нарсани синдиришга, бузиб ташлашга ҳаракат қилади. Ҳатто, бешикда, беланчакда ётган пайтдаёқ уларнинг қурилмаларини синчиклаб ўрганиб, бу ердан қутулиш йўлларини излай бошлайди.


Бешинчиларнинг ота-оналари ҳушёр бўлмаса, «қароқчи» болакайнинг қилиқларидан анча сарф-харажатга тушишлари табиий ҳол. Бундай ўйинқароқ болалар бир қарашда ёқимтой туюлмаслиги мумкин. Лекин улар фавқулодда содиқ, ўзига хос меҳр-оқибатли, энг муҳими, бир сўзли. Бир қарасангиз мўмин-қобил, бирда тўполончи, лекин жуда зийрак бўлишади. Ер остида илон қимирласа сезишади. Аммо уларни алдаш осон.

Бешинчиларга хос фазилат: юракка йўл топишади. Улар чиройли сўзлаши, ўзига ярашган қилиқлари, самимияти билан бирпасда барчани лол қилиб қўяди. Айниқса, уйга меҳмон келганда улар очилмаган қирраларини намоён қилиб, кўнгилларга ором бағишлайди. Яна бундай болалар зеҳни ўткир, ўқиганини ёдлаб олиш қобилиятга эга.

Уларга ўйинчоғу қўғирчоқларнинг қизиғи йўқ. Бир марта ўйнаган ўйинчоғини эртага синдириб ҳузурланади. Улар укаси, синглиси бўлишини жуда истайди, ҳатто ота-онасидан укаси бўлишини талаб қилади. Негаки, ёлғизликни ёмон кўришади. Кўпчилик ичида ўзини эркин ва ҳавас қиларли даражада тутади.

А.НАБИЕВА
тайёрлади

(Давоми бор)



Ishonch 2009-yil 28-may
№ 03 (2632)

Касаба уюшма ва спорт



Наманган шаҳрида Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллиги ва Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб соғлиқни сақлаш ходимларининг 8-анъанавий «Саломатлик спартакиадаси» ўтказилди.

Волейбол, стол тенниси, енгил атлетика ҳамда арқон тортиш мусобақаларида умумжамоа ҳисобида Чуст тумани вакиллари биринчи, Наманган тумани жамоаси иккинчи ҳамда Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди.

Р.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг раиси



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоят вакиллиги тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи меҳнаткашлар ўртасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан мини-футбол бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

Унда вилоят бошқармаларидан 16 та жамоа иштирок этди.

Кўтаринки руҳда ўтган мусобақада вилоят прокуратураси жамоаси биринчи, вилоят халқ банки иккинчи ва Бухоро шаҳар солиқ коллежи ўқитувчилар жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Б.САИДОВ,
Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят вакиллиги ташкилий ишлар бўлим мудири



«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК да компания касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги бошқарма ва корхона ходимлари ўртасида стол тенниси бўйича ўтган мусобақада16 нафар ишчи-ходим иштирок этди.

Финалда биринчи ўринни халқаро иқтисодий муносабатлар бошқармаси етакчи мутахассиси Комилжон Содиқов, иккинчи ўринни «Ўзтемирйўлҳисоб» маркази инспектори Жамолиддин Дўстмуҳамедов, учинчи ўринни эса компания ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бошқармаси НОРВ-21 бошлиғи Шерзод Раҳимбердиев эгаллади. Ғолибларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

Миллийликни улуғлаб

Тошкент тумани «Қизғалдоқ» қишлоғида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, турон яккакураши бўйича вилоят очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.



Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент вилоят филиали ҳамда вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорликда ташкил этган мусобақада 300 нафарга яқин яккакурашчилар ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Ёш спортчилар Абдулла Рўзиев, Раҳмонали Содиқалиев, Бехзод Аҳмаджоновлар томонидан намойиш этилган чапдаст ҳаракатлар мураббийларда илиқ таассурот қолдирди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан медал, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А. АКМАЛОВ

Йўлдаги суҳбат

Яқинда Қашқадарёга йўлим тушиб, Чироқчидан Қарши шаҳрига бориш учун автомобиллар бекатига келдим. Бу ерда машиналар кўп, кимдир бир кишилик, яна бошқаси иккита жойи борлигини айтиб, йўловчи-мижоз чақиради. Тезроқ манзилга етишим ва ёлғизлигим учун, табиийки, «Қаршига бир киши керак, тезда жўнаймиз», дея чорлаётган «Нексия» ҳайдовчисига яқинлашдим. Нархини келишдик ва машинага чиқдим...



Ҳунарни асрабон...

Йўлда кетар эканмиз, ҳамроҳлардан бири ҳайдовчига савол берди: «Исоқ полвон, энди сиз биласиз, соҳанинг одамисиз. Нега яқинда Термизда ўтган ат-Термизий халқаро турнирида Қашқадарё полвонлари бош мукофотларни қўлга кирита олишмади?

— Билмадим, ака, — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмаган ҳолда, — дунёнинг турли давлатларидан келган моҳир курашчилар билан рақобатлашиш осон бўлмаган бўлса керак-да. Бошқа давлатлар полвонлари ҳам усулларимизни яхши ўзлаштиряпти.

— Барибир, кураш ўзимизники-ку. Илгари «Қашқадарё полвонлари келишди» дейилса, ҳар қандай жамоа сергак тортарди-да, полвон. Ахир, ўзингиз ҳам бир неча бор ат-Термизий турнирида ғолиб чиққансиз, 2002 йил Ереван шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида олтин медал соҳиби бўлгансиз. Рақибни кўтариб уришларингиздан қанчалик роҳат олардик. Исоқ, Баҳром, Муҳаммаддўст, Абдуқодир полвонларнинг издошлари яна қачон етишиб чиқади? Биз қашқадарёликлар республика ва халқаро мусобақаларда жамоавий ғолиблик учун кураша оламизми?» — йўловчи қўлларини силтаб-силтаб норози оҳангда гапирарди. Менга эса ҳаммаси аён бўлди. Демак, бизни Қарши томон олиб кетаётган киракаш ўша довруғи дунёга достон Исоқ полвон экан-да! Гавдаси ўша-ўша. Фақат кичиккина соқол қўйибди.

— Исоқ ака, сизмисиз? Кўзимга иссиқ кўрингандингиз-а. Қаршига иш билан боряпсизми? — сўрадим полвондан.

Исоқ полвон жилмайди:

— Тирикчиликнинг айби йўқ. Бекор юргандан кўра, уч-тўртта одам чиқса, Қаршига қатнаб турибман.

— Бу ака тўғри айтди. Сиз бир неча бор ат-Термизий турнирини ютгансиз. 1993, 1997, 2001, 2003 йилларда Термиз шаҳрида, 1996 йил Шаҳрисабзда ташкил этилган Амир Темур, 2000 йил Наманганда ўтган Бобораҳим Машраб халқаро турнирларида шоҳсупага кўтарилганингиз ёдимизда. Ўзбекистон чемпионатларида ҳам бир неча бор ғолиб бўлгансиз. Айниқса, сиз курашган 81 кг. ва 90 кг. вазн тоифаларида олишувлар қизғин кечарди. Акобир Қурбонов, Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев, Фарҳод Тўраев каби полвонлар борки, уларнинг ҳар бири бугунда афсонага айланган.

Айнан шу полвонлар баҳси, у Ўзбекистон чемпионатида бўладими, халқаро турнирлардами, мусобақанинг ҳақиқий безаги бўларди.

Сиз эса юқоридаги кураш усталари билан ғолиблик учун баҳс олиб борган, у ёғини сўрасангиз, улар устидан ютуққа ҳам эришгансиз. Шундай экан, бирор спорт мактабида ёки залда мураббийлик қилаётган бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

Рост-да, бугун ўзингиз ҳам устоз даражасига етиб қолдингиз. Бирор залингиз ҳам бўлса керак, — сўрайман қизиқиб Исоқ акадан.

Полвонни хотиралар забтига олди.

— 1989 йилдан 1997 йилгача Самарқандда Олимпия захиралари билим юрти ва Самарқанд Давлат университетида таҳсил олдим. Бу давр оралиғида устозларим Якуб Абдураҳмонов, Евгений Нам, Валерий Пакдан жуда кўп нарса ўргандим. Биз йил давомида уларнинг назоратида бўлардик. Ҳатто, ёзги таътил пайтида ҳам уйга қўйиб юборишмасди. Тоғ ён бағирларига чиқиб, машғулотларни оромгоҳларда давом эттирардик.

Мураббийларимиз бир кун машғулот қолдирсанг, бир ойлик машқингга куясан, бир ой машқ қилмасанг, бир йил шуғулланганинг бекор кетади, дейишарди. Бизга нисбатан бўлган талабчанликлари эвазига турли ғалабаларга эришдик, деб ўйлайман.

Қолаверса, иккинчи мутахассислик учун Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида таҳсил олган пайтларим институт ректори Муродулла Нормуродов қўллаб-қувватлади. Мусобақа ва машғулотларимга шароит муҳайё эди. Ўзбекистон терма жамоасида Омон ака Тоймуродов, Олимжон ака Ҳайитовдан ҳам кўп нарса ўргандим...

Баъзан кўчада келбатлари йирик-йирик, бақувват-бақувват йигитларни, болаларни кўриб қолсам, улардан яхши полвон чиқиши мумкинлигини хаёл қиламан. Фақат бунинг учун машаққатли ва тартибли машқлар бажариш талаб этилади. Гоҳо ўзимга-ўзим савол бериб қоламан: «Бизга ҳам устозлар бор меҳрини бериб ўргатганку, нега энди мен ўз билганларимни ёшларга ўргатмаслигим керак?» Ҳозир ўғлим Билолбек саккиз ёшга кирди. Уни шуғуллантирай, дейман-у ҳали мурғак. Оғир машқлардан майиб бўлиб қолмасин, деб кураш сирларини ўргатганим йўқ. Яна икки йил ўтсин, ўғлим билан жиддий шуғулланишни бошлайман. Билолбек ҳозир тенгқурлари билан олишиб туради. Балки, ўғлимнинг дўстларига ҳам устозлик қиларман...

Суҳбат узоқ йўлни яқин қилади, дейишади. Гурунгимиз қизиб борарди. Куюнчак шеригимиз Исоқ полвондан курашдаги эсда қоларли воқеалардан гапириб беришини сўради.

— 2002 йил Ереванда ўтган ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионатининг биринчи учрашувида, — хотирлай кетди Исоқ полвон, — ҳамюртимиз Акобир Қурбонов билан дуч келдим. Ҳар доим биринчи баҳс қийин кечади, чунки танангиз қизимаган бўлади-да.

Акобирдан бир «ёнбош» баҳоси билан устун келдим. Ярим финалда туркиялик полвон устидан соф ғалаба қозониш насиб этди. У Европа чемпионлигига эришган кучли курашчи эди.

Финалда эса бразилиялик Александр Гудис устидан бир «ёнбош» баҳоси билан зафар қучдим. Ушбу пайтдаги ҳаяжоним ҳозиргидек ёдимда. Мадҳиямиз янграгандаги ҳолатимни сўз билан тасвирлаш қийин.

Финал баҳси тугагач, Гудис ёнимга келиб, «Мен жаҳон чемпиони бўлмоқчи эдим. Аммо ҳали учрашамиз. Термизга Ал Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирига бораман. Сизни албатта, мағлуб этаман», деди. У ваъдасига вафо қилиб Термизга келди. Биз яна учрашдик. Мусобақа ярим финалида Фарҳод Тўраевдан устун келиб, финалда Александр Гудис билан рўбарў бўлдим.

Бу гал соф ғалаба насиб этди.

— Зўрлар орасидан зўр бўлишнинг сири нимада? — савол ташлайман қизиқишим баттар ортиб.

— Қатъий режим ва тартиб асосида шуғулланиш. Қолаверса, спортчи қандай овқатланишни ҳам билиши керак. Шундай таомлар истеъмол қилиши лозимки, бу унинг мусобақа чоғида нафас олишига, терламаслигига хизмат қилсин ва баҳслар давомида унга қувват берсин. Шунингдек, ҳар бир йирик турнир олдидан олти ой режа асосида ҳозирлик кўраман. Ахир Акобирни, Фарҳодни, Гудисни ютишим учун улардан устунроқ бўлишим керак-ку. Масалан, полвон битта мусобақада ғолиб келиши учун олти марта гиламга чиқиши лозим бўлса, ҳар бир рақибга қарши кучни тўғри тақсимлашни ҳам билиши шарт.

— Ҳозир ҳам курашсангиз бўлади, ҳали ёшсиз-ку, — сўради курашсевар шеригимиз.

— Билмадим, балки фахрийлар ўртасида гиламга чиқсам бўлар. Мураббийликка келсак, амалиёт, назариядан хабарим бор. Энди уларни ёшларга ўргатиб, Қашқадарё, Ўзбекистон полвонлари орасидан жаҳон чемпионлари тайёрлашни орзу қиламан.

Исоқ полвон устозлари олдида ўзини қарздор сезишини, албатта, улар ўргатган билимларни ёшларга ўргатиш нияти борлигини такрор ва такрор таъкидлади. «Устозларимсиз мен жаҳон чемпиони Исоқ Аҳмедов бўлолмасдим» дея эътироф этди. Уларга бўлган садоқати, ҳурмати ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Шу тариқа Қашқадарё воҳаси марказига қандай етиб келганимизни билмай қолдик.

Йўл-йўлакай хаёлимдан қуйидагича фикрлар ўтди: Ҳар биримиз Исоқ полвоннинг нуфузли мусобақаларда, тўйкурашлар ва халқаро турнирларда рақибни кўтариб елкадан ошириб уришларини кўриб, роҳатланардик. Йўл бошида шеригимиз берган «Қашқадарёдан Исоқ, Баҳром, Муҳаммаддўст, Абдуқодир полвонларнинг издошлари яна қачон етишиб чиқади? Биз қашқадарёликлар Республика ва халқаро мусобақаларда жамоавий ғолиблик учун кураша оламизми?» деган саволларига ўзимча жавоб изладим. Менимча, бу вазифани, ўзларига муносиб издошлар тайёрлашни, ўзбек спортига, Қашқадарё кураши обрўсига обрў қўшишни ўша полвонларнинг ўзларига юклаш лозим. Ахир, ҳазрат Навоий айтганидек,

«Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб тупроққами кетгумдир охир?»

Яна бир ҳақиқат борки, жаҳон чемпионлари ҳар куни ҳам туғилавермайди, уларни ҳар ким ҳам тайёрлайвермайди.

Акмал АБДИЕВ

Терак гуллаганда

— Ишхонамиздаги Насиба исмли котибанинг апрел-май ойларида аҳволи оғирлашиб, аксириб, бурнидан сув оқади, юзи шишиб кетади, қизил тошма тошиб, териси қичийди, ҳолсизлик, бош оғриғи безовта қилади. Бу қизимиз терак дарахти гуллаши билан шу аҳволга тушади. Ҳатто бир-икки ҳафта ишга ҳам кела олмайди, ҳеч қаерга чиқмасдан уйда ўтиради. Хўш, бу касаллик қандай кечади, унинг олдини олиш мумкинми?

Лутфия НАБИЕВА, Бухоро вилояти ўқитувчи

— Бу касаллик тиббиётда аллергия деб аталади. Аллергия юнонча сўз бўлиб, бошқа, ўзга, бегона деган маънони билдиради. Атроф-муҳитнинг аллергенлар деб аталувчи баъзи омиллари, кимёвий моддалар, микроблар, дарахтлар чанги, турли овқатлар, мевалар, уй чанги, ҳайвонларнинг териси, косметик атир-упалар организмнинг ўта сезувчанлиги, яъни аллергияни келтириб чиқаради.

Аллергик касалликлар қадимдан маълум. Баъзи овқатларни истеъмол қилганда меъда-ичак фаолияти бузилиб, баданга эшак еми тошишини Гиппократ милоддан аввал 4-асрда, гул исидан баъзиларда тумов пайдо бўлишини Гален 11-асрда аниқлаган. Ватандошимиз, улуғ табиб ибн Сино аллергияни даволашда ялпиз қайнатмасини анжир уруғи билан аралаштириб истеъмол қилишни буюрган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, аллергик касалликларнинг кенг тарқалган турларидан бири, уй-рўзғор аллергенларидир. Булар уй, гилам, кийим-кечак, кўрпа-тўшакдан чиқадиган чангдир. Баъзан кир ювишда ишлатиладиган турли кукунлар ҳам аллергияга сабаб бўлиши мумкин. Уй-рўзғор аллергенлари кўпроқ нафас йўллари касалликлари — бронхиал астма, аллергик тумов, ринит, конюктивит, дерматитларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, мевали дарахтлар (олча, ўрик, беҳи, гилос) гуллаганда ҳавода гул чанги кўпаяди ва бу аллергик касаллиги бор беморларга таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат, айниқса, терак гуллаганда яққол кўзга ташланади. Шу боис терак гуллаган май ойида дарахт гулига аллергияси бор беморлар оғир аҳволга тушади. Касаллик тумов шаклида бошланиб, бурундан тинимсиз сув оқиб, бош оғрийди, иситма кўтарилади.

Энг оғир ўтадигани дори аллергияси ҳисобланади. Бунда беморларнинг қандайдир дорига аллергияси бўлиб, билмасдан истеъмол қилса, анафилактик шок ҳолати рўй бериши мумкин. Бу беморларнинг амбулатор картасига қизил ранг билан аллергияси бор, деб кўрсатилади. Шундай беморлар борки, бирор дорини истеъмол қила олмайди, чунки унда барча дориларга нисбатан аллергия бўлади. Бундайлар битта ҳам таблетка, укол ола олмайди, улар фақат табиий гиёҳлардан фойдаланиши мумкин. Аллергия аломатига кўра бир неча хил бўлади. Квинке шиши, анафилактик шок, эшак еми, зардоб касаллиги, аллергик дерматит, экземалар шулар жумласидандир.

Касаллик белгилари

Квинке шиши юзда, лабда, қовокда, бурун атрофида, таносил аъзоларида тўсатдан пайдо бўлади. Касалликнинг халқумда бўлиши хавфли ҳисобланади.

Анафилактик шок бемор аҳволининг ёмонлашувидан бошланади, у безовта бўлади, нафас олиши қийинлашади, танаси қизиб кетади, кетма-кет йўталади. Қон босимининг пасайиб кетиши, ҳушдан кетиш анафилактик шокнинг асосий белгиларидир. Бундай ҳолатда вақтида ёрдам кўрсатилмаса, беморнинг аҳволи оғирлашиб, фожиа юз бериши мумкин.

Эшак емида терида пуфакчалар пайдо бўлади, тошма тошишдан олдин терининг бир жойи қаттиқ қичийди, беморнинг иситмаси кўтарилиши эҳтимолдан холи эмас.

Зардоб хасталиги аллергиясида беморни даволаш мақсадида зардоб ёки эмлаш муолажасидан сўнг 2-14 кун ўтгач хасталик пайдо бўлиши мумкин. Бунда унинг аҳволи оғирлашади, танасига тошмалар тошади, ҳарорати баланд бўлади, бўғинлари оғрийди, лимфа тугунчалари ва халқум шиллиқ қаватининг шишиши кузатилади.

Аллергик дерматитлар эса терининг ўткир яллиғланишидир. Бунда тери оч қизил рангга кириб шишади, пуфакчалар пайдо бўлади, тери қичийди, қизиб кетгандек туюлади ва ачийди.

Шундай оғир асоратларга эга бўлган беморларни фақат шифокор маслаҳати билан даволаш керак. Лекин ҳаётда бунинг тескарисини кўрамиз: таниш-билиш, ака-ука маслаҳати билан ойлаб даволанаётган беморлар бор, лекин яхши бўлмай касаллик асоратлари билан кўпаяверади.

Нима мумкин, нима мумкин эмас?

Агар овқатлардан бири беморда аллергия пайдо қилса, ундан узоқ вақт йироқ бўлиш тавсия этилади. Кўпинча мева, озиқ-овқатларга аллергияси бор бемор шоколад, қўзиқорин, балиқ, сут, цитрус мевалар (апелсин, мандарин), қулупнай, қора ва қизил мурч истеъмол қилмаслиги керак. Бу маҳсулотлар аллергияни келтириб чиқармаса-да, унинг кучайишига ёрдам беради.

Таомлар сувда пиширилган, димланган бўлиши керак. Қовурилган, дудланган овқатлар ман этилади. Вақтинча қалампир, хандал, хрен, чимчи, кетчуп, саримсоқ истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Овқат кўкатлар: петрушка, укроп, селдерей билан ейилиши лозим. Аллергияси бор беморга вақтинча туз ва шакар истемол қилиш ҳам ман қилинади.

Терак гулига аллергияси бор беморлар бошқа мевага ҳам реакция беради. Шунинг учун меваларни ювиб еган маъқул, чунки уларда чанг бўлиши мумкин.

Баҳор келиб, табиат гуллаб-яшнаши билан баъзи одамлар ташвишга тушиб қолади. Чиройли гуллаган дарахтлар бундай одамларга азоб беради, аҳволини оғирлаштиради, меҳнат қобилиятини йўқотади.



Даволаш усуллари

Аллергияси бор бемор биринчи навбатда, иммунитетини кучайтириши керак. Бунинг учун мўмиёнинг 1 грамини 1 литр сувга аралаштириб ичиш тавсия этилади.

Терак гуллаганда аллергияси бор беморлар уйга келиши билан душга тушиши, томоқ, бурун, оғизни тоза сув билан яхшилаб чайиши зарур. Касаллик зўрайиши даврида уйдан кўчага чиқиш ман этилади. Хоналарни ҳўл латта билан ҳар куни артиб, пулверизатор билан ишлов бериш керак. Дераза дарчасига дока парда тутиб қўйилади.

Энг муҳими, ўз билганингизча даволанманг, бунинг оқибати ёмон бўлиши мумкин. Аллергия бошланишидан анча олдин даволашни бошлаш керак.

Терида муаммо бўлса...

Аллергия хасталигида терида пуфакчалар пайдо бўлса ва қичиса, исириқни қайнатиб сувига чўмилиш тавсия этилади. Бунинг учун исириқ майдалаб сувга солинади ва 3-5 дақиқа қайнатилади.

Агар аллергик дерматит кучайиб экземага айланган бўлса, уни мўмиё суюқлиги билан артинг. Бунинг учун 1 грамм мўмиё 100 мл. сувда эритилади. Даволаш — 20 кун, эрталаб ва кечқурун.

Қайнатилган шолғом аллергия бошланиш даврида истеъмол қилиб турилса, даво бўлади.

Аллергиядан қутулиш йўлларидан бири ичакда нормал микрофлорани ушлаб туришдир. Бунинг учун албатта, нордон сут ҳамда бифудофлорага эга бўлган маҳсулотларни кунига 0,5 л. истеъмол қилиш лозим.

Халқ табобати усуллари

Кофе, чой ўрнига иттиканак (череда) дамламасини кунига икки марта ичинг. Бунинг учун 1 қошиқча ушбу гиёҳни олиб битта кичкина чойнакка дамлайсиз. Аҳамият беринг: дамланган чой тилларанг бўлиши керак. Агар у хира ёки яшил бўлса, бундай дамламани ичиш ман этилади.

Селдерей илдизи шарбати кунига 3 марта 1 қошиқчадан овқатдан ярим соат олдин ичилади. Кейинчалик бу доза 1 қошиққа кўтарилади.

Камфора ёғини, прополис дамламасини ва ўсимлик мойини бир миқдорда олиб аралаштириш керак. Бурун ичига 1 томчидан кунига 3 марта томизиш лозим. Томизишдан олдин дорини қаттиқ силкитиш шарт.

Аллергик дерматит, болалар диатези, экземада 3 литр сутни 2 кун сақлаб қўйинг. Кейин алюминий кастрюлкага солиб қайнатинг. 5 дақиқадан сўнг устини ёпиб совутгичга қўйинг. Ҳосил бўлган сузмани олинг, зардобини олиб танадаги тошмаларга, пуфакчаларга, яраларга 3 марта суртинг. Суртишдан олдин зардобни илитиб олинг. Даволаш курси — 10 кун.

Аллергик ринитлар учун: шиша идишнинг 1/3 қисмигача олтин мўйлов (золотой ус) гиёҳининг баргларини солинг, кейин ароқ билан тўлдиринг. Бир ойдан сўнг докадан ўтказинг. Уни 1 қошиқдан кунига 3 марта овқатдан ярим соат олдин истеъмол қилиш керак.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мушоҳада

Фарзандлар камоли — юрт бахти

Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу маънода бугун юртимизда она ва бола саломатлигини асраш, фарзандларимизнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши учун кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу, энг аввало, ҳомиладор аёллар ва гўдаклар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларнинг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган иллатларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларда намоён бўлаяпти.



Бугун, айниқса, жойлардаги тиббиёт муассасаларида туғиш ёшидаги аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанаётганлиги ибратлидир. Бундай тадбирларда тиббиёт олий ўқув юртлари ҳамда илмий текшириш институтларининг малакали мутахассислари мунтазам иштирок этмоқда. Яқинда биз, Тошкент тиббиёт академияси мутахассислари ҳам Сурхондарё вилоятида бўлдик. Туман шифохоналари, врачлик пунктлари фаолияти билан танишиб, маҳаллий шифокорларга тавсиялар бердик. Шундан сўнг вилоятда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришнинг уч йиллик дастури ишлаб чиқилди. Худди шундай тадбирлар яқин орада Самарқанд, Навоий, Хоразм, Фарғона вилоятларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Жойларда бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашиб, аҳолининг тиббий маданият борасидаги тушунча ва қарашлари билан танишиб, амин бўлаяпмизки, ёш қизларимизнинг оналикка тайёргарлик борасидаги тушунчаларини янада бойитиш лозим экан. Негаки, аксарият ёшлар болани она сути билан озиқлантиришнинг аҳамияти, сут таркибидаги фойдали озуқалар, сунъий овқатлантиришнинг гўдак саломатлигига салбий таъсири хусусида етарли маълумотга эга эмаслиги ачинарли ҳол.


Хўш, она сутининг бола саломатлиги учун афзаллиги нимада? Нега гўдак туғилиши биланоқ одатий озиқ-овқатлар билан озиқланиши мумкин эмас? Гап шундаки, она сути ҳазм бўлиши осон, етарли калорияга эга, организмга тушиши мумкин бўлган зарарли микроблардан холидир. Чақалоқ вужуди жисмонан нимжонлиги, овқат ҳазм қилиш аъзолари ҳамда организмдаги модда алмашинуви жараёни тўлиқ ривожланиб улгурмаганлиги боис унга катта ёшдагилар истеъмол қиладиган озиқ-овқат мос келмайди. Ҳаёт мўъжизасини қарангки, она сути таркибида юздан зиёд фойдали витаминлар мавжуд экан. Унинг таркибидаги оқсил, ёғ, углеводлар эса тўқималар таркибидаги моддалар билан бир хил бўлганлиги учун ҳам енгил ҳазм бўлади.

Она сути таркибидаги иммуноглобулин, лактоферрин, лизоцим, лимфоцит, макрофаг сингари моддалар унинг жажжи вужудини микроблардан ҳимоя қилади. Она сутига тўйиб ўсмаган болаларда эса рахит, гипотрофия, камқонлик каби хасталиклар кўп учрайди. Чунки она сутидаги аминокислоталар, гормонлар, А ва D витамини сунъий озиқда етарли даражада бўлмайди.

Ажабланарлиси, баъзи ёш оналар «ташқи гўзаллигига путур етиши»ни ўйлаб, болани кўкрак сути билан боқишдан воз кечишар экан. Ахир, гўдакни кўкрак сути билан озиқлантириш онанинг ўзи учун ҳам кони фойда-ку! Турли гинекологик хасталиклар, шунингдек, мастит, сут бези саратони сингари оғир дардларнинг олдини олишда бунинг аҳамияти беқиёс. Оналикдек буюк бахт насиб этгач, нега энди аёл фарзандининг саломатлиги ҳақида қайғурмаслиги, уни она сутидан маҳрум қилиши керак? Бу бизнинг ўзбекона қадриятларимизга, феъл-атворимизга, қолаверса, инсонийлик тамойилларига тамоман зиддир. Бу ҳақиқатни ёшларимиз онгига оилавий муҳитда, ўқув муассасаларидаги машғулотларда чуқур сингдириб бориш зарур. Шунда улар нотўғри тушунчаларга берилмай, соғлом ҳаёт кечиришга, бахтли турмушга интиладилар. Зеро, келажагимиз ворислари соғлом оилада, соғлом муҳитда камол топиши даркор.

Абдуғаффор ГАДОЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Тошкент тиббиёт академияси профессори

Изоҳи сиздан...





Чанг юткични ишлатиб,
Уйларни тозалайсиз.
Танбеҳ ҳам бериб менга,
Уй тоза бўлсин дейсиз.

***

Сакраганим сабаби,
Оёқчамни кўрсатай.
Тозалигини кўринг,
Энди кўчага чиқай.

Жавлон ШАРАПОВ,
«Мадад» суғурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Ажабланманг ҳеч ҳам сиз,
Сакрасам мен бехосдан.
Ахир жуда қўрқаман,
Қурғур шу «пилесос»дан.


***

Иш пайти ҳам токчага,
Ўтқазибон олади.
Чунки менсиз бекамиз,
Кўп зерикиб қолади.

Асадулло МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси

Ўриндиқда ўтирган уй
эгасими?
Ёки фаррош хотин уй
бекасими?
Бири оро берса бу
кошонага,
Бири важ излайди ҳар
баҳонага.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
Навоий шаҳри



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Катта орзулар сари



Ўғлингиз тушиб Сурхондарё томонларга борсангиз, эътиборингизни биринчи бўлиб тортадиган жиҳат воҳанинг ўзига хос гўзаллигидир. Айниқса, бу йилги кўклам бироз эртароқ келди. Вилоятнинг энг сўлим гўшаларидан саналган Денов туманидаги қир-адирлар шу қадар бетакрор гўзаллик касб этдики, уни кўрган киши табиатнинг буюк рассом эканлигига яна бир бор иймон келтиради. Назаримда, мана шу тароват Деновдан ўнлаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқишига сабаб бўлаётгандай.

Юртимизнинг шундай фарзандларидан бири Акмал Акбаров илк бор устозлари кўмагида саҳнага чиққанида етти ёшда эди. Туман миқёсида ўтказилган «Санъат ғунчалари» кўрик-танловида қўшиқ куйлаб, якдиллик билан биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Мана шу рағбатдан сўнг Акмал кейинги танловларда ҳам мухлислар эътиборига тушди. Устозларининг тавсиясига кўра, Денов шаҳридаги мусиқа мактабида ўқишни давом эттирди. Вилоят миқёсида ўтказилган танловда совриндорлар сафидан ўрин эгаллар экан, пойтахтдан борган мусиқашуносларнинг маслаҳатига биноан энди таҳсилни Тошкент шаҳридаги 1-махсус санъат мактабида «Ўзбек халқ чолғулари» синфида давом эттирадиган бўлди.

Дарсдан бўш вақтларида Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида ташкил этилган «Булбулча» ашула ва рақс ансамблида яккахон солист сифатида иштирок эта бошлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур ансамбл кўплаб эл севган санъаткорларнинг ижод пиллапояларидан юқорига кўтарилишига кўмакдош бўлган. Устоз санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов ёшлар санъат соҳасини мукаммал эгаллаши учун оталарча ғамхўрлик қилган. Акмал ҳам «Булбулча» ансамбли билан бирга кўплаб байрам дастурларида иштирок этди. Аста-секин устозлар кўмагида яккахон қўшиқчи

Истиқлол тенгдошлари

сифатида ўзини синаб кўрди. «Ўзбекистон» телеканали болалар ва ўсмирлар студияси томонидан суратга олинган кўрсатувлардан бирида «Бувижон» деб номланган қўшиқ куйлади. Самимий ижро мухлислар эътиборини тортди. Орадан бироз вақт ўтиб, ёш ижодкор ватан мадҳини куйга солди.

Элим севган бу юртда қушлар нола чекмасин,
Беғубор осмонидан эрта қуёш ботмасин.
Юртни асранг, боболар,
бизни қилинг дуолар,
Юртим тинчлигини деб
жонни қилгай фидолар...

Акмал ушбу қўшиқ билан «Ўзбекистон — ватаним маним» танловининг шаҳар босқичида иштирок этар экан, рағбатлантирувчи мукофотга лойиқ деб топилди. Бу муваффақиятдан сўнг Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежининг биринчи курсига имтиёзли тарзда қабул қилинди. Бу ерда устозлари Ботир Матёқубов, Дилнавоз Муҳаммадалиевалар кўмагида ўзбек мумтоз қўшиқлари билан бирга дунё тан олган Чайковский, Бетховен ва Глиэр асарларини ижро этишни ўрганди.

Бугун катта саҳналарга чиқиб келаётган ҳар бир санъаткор ўз ижоди билан мухлислар эътиборига тушишни истайди. Аммо яхши қўшиқ куйлаш, одамлар кўнглидан жой олиш учун яхшигина меҳнат қилиш кераклигини Акмал аллақачон англаб етган.

Акмал Акбаров фақатгина яхши қўшиқчи бўлиш билан кифояланмоқчи эмас. Насиб этса, Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишни давом эттириб, ўзбек миллий чолғу асбобларининг яратилиш тарихи мавзусида илмий изланиш олиб боришни мақсад қилган. Биз эса орзулари сари дадил одимлаётган, истиқлолимизнинг тенгдоши бўлган Акмал Акбаровга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз. Зеро, дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларнинг бугунги авлодлари ҳам боболари каби катта ишлар қилишга қодир. Бунинг исботини катта-катта танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин эгаллаётган Ўзбекистонимиз ёшлари мисолида кўриш мумкин.

Фахриддин САМАДОВ,
журналист

Тадбир

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши кейинги пайтларда қизғин фаолият олиб бормоқда, жойларда қизиқарли ижодий учрашувлар ўтказмоқда. Кенгаш ҳузурида ўтган йили иш бошлаган «Ёш таржимонлар клуби»нинг фаолияти айниқса, диққатга сазовор. Унинг йиғилишлари ёш таржимонларни тобора ўзига жалб этиб бормоқда. Клубнинг Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон тиллари университети талабалари ҳузуридаги мулоқотлари жуда эсда қоларли бўлди.

Таржимонлар анжумани

Клубнинг навбатдаги кўчма йиғилиши Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бўлиб ўтди. Йиғилишни институт ректори, профессор Абдураҳим Маннонов очиб, сўзни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алига берди. Муҳаммад Али кенгаш, хусусан, клубнинг фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди ва ўзининг таржимон сифатида ижодий тажрибалари билан ўртоқлашди. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг яхши намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, анжуманда таниқли таржимон, «Жаҳон адабиёти» журналининг ходими Амир Файзулла, профессор Суюма Ғаниева, филология фанлари номзодлари Зуҳриддин Исомиддинов, Адҳамбек Олимбеков, Абдужалил Ҳазратқулов, Жумали Шабанов сўзга чиқишиб, таржимашуносликнинг долзарб муаммолари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ижодкор талабалар ўзларининг шеърларидан, таржималаридан йиғилиш аҳлига ўқиб берди. Умуман, клубнинг бу йиғилиши қизғин савол-жавоб ва фикр алмашишларга бой бўлди.

Ўз мухбиримиз

Кулинг, умрингиз узаяди

— Официант, менинг нонуштам 13 доллар бўлади! Сиз эса 14 долларга ҳисоб олиб келибсиз?!

— Кечирасиз, сэр, лекин дўстингизга «жуда иримчиман», деганингизни эшитиб қолувдим...

— Энг ёмон ҳолатга тайёр бўлиб туринг!

— Дўхтир... мен ўламанми?

— Йўқ, сизга жуда қимматга турадиган дори ёзиб бераяпман!

Ишдан қайтган эр остонада ҳорғин — кўзлари қизарган, оёқлари толган ҳолда шалпайи-и-и-б турарди.

Қўрқиб кетган хотин:

— Вой, дадажониси, нима бўлди? Айтинг?!.

Сўзлашга ҳам мажоли йўқ эр ниҳоят, пичирлайди:

— Эрталаб қаҳвани шунчалар аччиқ дамлаб берибсанки, ишда умуман ухлолмадим.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, тармоқ касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши Оқолтин туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Анвар ЖАВЛОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, тармоқ касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши кенгашининг ижтимоий-иқтисодий бўлими мудири

Баҳром МУСУРМОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

ISSN 2010-5002

E-mail: mail@ishonch.uz

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - Ш.Абдусамадов
Мусаҳҳиҳ - С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г—461 | Тиражи: 18410

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Сотувда эркин нархда | 1 345678